Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 31 (212) • 2009 йил 3 август

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.***

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси изчил таъминланаётгани таъкидланди. Айниқса, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жараён тубдан ўзгарди. Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолати яратилди. Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Мулк ва мулкчиликка бўлган янгича муносабат бозор ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишга кенг йўл очди. Бу, ўз навбатида, хорижий давлатлар билан ўзаро тенг иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланишига замин яратди. Бундай омиллар юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалиши ва Ўзбекистоннинг қудратли давлатлар сафидан жой олишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодиёт ривожланган сари, табиийки, соҳада айрим жиноятлар ҳам учрайди. Суд амалиётидан маълумки, иқтисодий соҳада рўй бераётган жиноятлар кўп қирралилиги, кўламлилиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлилиги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади. Хусусан, жамиятда мулкни талон-тарож қилишнинг турлича шакллари учрамоқда. Бунинг устига жиноятчиларнинг ўз жиноий фаолиятига давлат идоралари, банклар, суғурта компанияларининг мансабдор шахсларини жалб қилишга уринаётгани ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Пленум муҳокамасига киритилган «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси шу мақсадда тайёрланди. Фирибгарлик – иқтисодиёт соҳасидаги жиноят шаклларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу каби жиноятларнинг кенгаяётгани ва турлича тус олиш тенденцияси кузатилмоқда. Фирибгарлик жинояти судлар томонидан кўриладиган жиноят ишлари ичида салмоқли ўринни эгаллаётгани шундан далолат. Бундай жиноят ишларини судларда кўриш жараёнида баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Зеро, фирибгарлик жиноятининг янги кўриниши ва усуллари юзага келганлиги уларга мантиқий, назарий ва қонун нуқтаи назаридан адолатли баҳо беришда судларга тушунтириш бериш заруратини туғдирди.



Олий суд томонидан республикамиз миқёсида ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш амалиёти умумлаштирилиб, ўрганиб чиқилганда тергов идоралари ва судлар фаолиятида фирибгарлик жиноятининг объектив ва субъектив томонларига баҳо бериш, фирибгарлик жиноятини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармасликдан фарқлаш, қилмишни квалификация қилиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Уни қабул қилишдан кўзланган мақсад – қонун меъёрларини аниқ ва бехато қўллашда судларга тушунтириш беришдан иборат.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мутасадди вазирлик ва муассасалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишда шу ва бошқа кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Норгул АБДУРАИМОВА,***
***ЎзА мухбири.***

***Статистик таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикасида жами қабул қилинган қонунлар 661 тани ташкил этади, шундан бугунги кунга қадар 546 таси амалда бўлиб, улардан 15 тасини Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, 202 тасини Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлари ва 115 тасини кучини йўқотган қонунлар ташкил қилади.***

***Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона тўплам ҳолига келтириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ижтимоий муносабатлар шиддат билан ривожланаётган бир пайтда икки палатали парламент томонидан қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли қонун ҳужжатларини ягона тизимга келтириш объектив заруратга айланди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ

# ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Зеро, бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «**Ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар танқидий баҳоланган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда, қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак**» дея таъкидлаган эди.

Ушбу заруриятни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида тайёрланиб чоп этилди.

Ушбу тўпламга 1989-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тизимли тарзда киритилган.

Ушбу тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур тўплам олти қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми маълум мезонлар бўйича ажратилган. Тўпламнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси томонидан 1989-2009 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати киритилган. Иккинчи қисмда эса мазкур даврлар оралиғида қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган қонунларнинг рўйхати нашр манбаларини, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кўрсатган ҳолда келтирилган. Тўпламнинг учинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификациялаш, уларга қўшилиш ва уларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунлари рўйхати келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси қўшилган (расмий тасдиқлаган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг тўртинчи қисмида ўз ифодасини топган бўлиб, бунда фақатгина Ўзбекистон Республикасининг МДҲ доирасида қабул қилинганлардан ташқари шартномалар рўйхати назарда тутилган. МДҲ мамлакатларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган икки томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг бешинчи қисмида келтирилган. Тўпламнинг олтинчи қисмига эса Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама Шартномалари ва бошқа қўшма ҳужжатлари рўйхати киритилган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлади деган умиддамиз.

***Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,***
***юридик фанлар доктори,***
***профессор.***

УШБУ СОНДА

1-бет **Қонун ҳужжатлари тўплами чоп этилди**
2-бет **Ишсиз қолганларга ёрдам**
3-6-бетлар **Янги қонун ҳужжатлари**
7-12-бетлар **"Биз яшайдиган уй"**

$1 = 1489,20 сўм €1 = 2118,09 £1 = 2448,54 сўм ¥10 = 157,06 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида»;

– «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

– «2009-2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА РУХСАТНОМАЛАР ОЛИШ ТАРТИБОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 24-сон, 272-модда)*

Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 10 июнь*
*158-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 10 июндаги 158-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг учинчи хатбошидаги «қўшимча равишда» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади»;

в) 9-банднинг биринчи жумласига «ишлаб чиқариш объектини» сўзларидан кейин «сақлаш шарт-шароитларини» сўзлари қўшилсин;

г) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати тегишли синов методлари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади»;

д) 12-бандда:

«энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан» сўзлари «бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига гигиеник сертификат беришда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади»;

е) 14-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Четдан олиб келинаётган маҳсулотга гигиеник сертификат маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда):

а) 1-илова (Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари)нинг 20-бандида:

биринчи хатбошига «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «бир ой муддатда» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёхуд туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг буюртмасига кўра уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда берилади»;

б) 2-илова (Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари)нинг 22-бандига қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини иссиқлик тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёхуд туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг буюртмасига кўра уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда, дастлабки шартлар берилмасдан берилади»;

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*

*ҚАРОРИ*

## «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 24-сон, 274-модда)*

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Биржа» газетасини «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотлар (кейинги ўринларда банкротлик тўғрисидаги маълумотлар деб аталади) эълон қилинадиган расмий нашр (кейинги ўринларда расмий нашр деб аталади) этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, расмий нашр:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида камида 5 000 нусхада тарқатилади ва банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар ҳафтада эълон қилинишини таъминлайди. Банкротлик тўғрисидаги маълумотлар матнлари давлат тилида эълон қилинади ва бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни улар манфаатдор шахслардан олингандан ва эълон қилинганлик ҳақи тўлиқ ҳажмда тўлангандан кейин ўн кун мобайнида эълон қилади;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг газетанинг Интернетдаги сайтида қўшимча ҳақ ундирилмасдан жойлаштирилишини, шунингдек сайтда жойлаштирилган маълумотлардан бепул фойдаланилишини таъминлайди;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз вақтида қабул қилиб олинишини ҳамда кўрсатиб ўтилган маълумотларни эълон қилиш бўйича расмий нашр хизматлари учун тўловларни, шу жумладан электрон тўловлар тизими орқали таъминлайди.

3. Белгилансинки:

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш қиймати, шрифтнинг йириклиги камида 7 пункт ва интерлиньяжи камида 8 пункт бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда бир квадрат сантиметр учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,0 фоизидан ошиши мумкин эмас;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 11 июнь*
*160-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# СОТИБ ОЛИНГАН РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАСИ ЁКИ КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 25-сон, 286-модда)*

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш йўли билан ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича 2-иловага* мувофиқ таркибда махсус комиссия (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Хаитов) икки ҳафта муддатда Махсус комиссиянинг иш регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 17 июнь*
*166-сон.*

***2-илова берилмайди. Илованинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.***

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 17 июндаги 166-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## СОТИБ ОЛИНГАН РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАСИ ЁКИ КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул берилиши керак бўлган, улар томонидан ўз ҳисобига сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури** — организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий ва бошқа реабилитация чора-тадбирларининг алоҳида турлари, шакллари, ҳажми, муддати ва амалга ошириш тартибини ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган ногирон учун мақбул бўлган реабилитация чора-тадбирлари комплекси;

**компенсация** — ногиронга (ёки унинг қонуний вакилига) пул шаклида тўланадиган, ногирон томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар қийматини қоплаш.

3. Сотиб олинганлиги учун компенсация тўлаш назарда тутиладиган реабилитация техник воситалари ёки кўрсатилган хизматларга қуйидагилар киради:

кресло-аравачалар;

кичик габаритли аравачалар;

эшитиш мосламалари;

ҳассалар ва қўлтиқтаёқлар;

реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш харажатлари.

4. Ўз маблағлари ҳисобига:

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситасини сотиб олган;

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаган ногиронлар компенсация олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

5. Компенсация Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиянинг (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) қарорига мувофиқ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Махсус комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

### II. СОТИБ ОЛИНГАН РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАСИ ЁХУД КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6. Ногирон ёки унинг қонуний вакили (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) компенсация олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига (кейинги ўринларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органи деб аталади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Махсус комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича компенсация тўлаш тўғрисида ариза;

ногирон шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

ногиронлиги тўғрисида ТМЭК маълумотномаси нусхаси (16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун — ТМК маълумотномаси нусхаси);

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури нусхаси;

туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг белгиланган тартибда реабилитация техник воситаси билан таъминлаш учун ногирон ҳисобга қўйилган сана тўғрисидаги маълумотномаси;

реабилитация техник воситаси сотиб олинганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган чек, квитанция, талон, чипта ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

реабилитация техник воситасининг техник паспорти нусхаси.

| N | Наименование комплектующих изделий, сырья и материалов | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| 8 | Соли муравьиной кислоты | 2915 12 000 0 |
| 9 | Пластификатор ДОФ | 2917 32 000 0 |
| 10 | Тиурам | 2930 30 000 0 |
| 11 | Каптакс | 2934 20 200 0 |
| 12 | Квебрахо | 3201 10 000 0 |
| 13 | Дубители синтетические | 3202 10 000 0 |
| 14 | Кислотные красители | 3204 12 000 0 |
| 15 | Прямые красители | 3204 14 000 0 |
| 16 | Пигменты и красители органические | 3204 19 000 0 |
| 17 | Пигменты (на основе диоксида титана) | 3206 19 000 0 |
| 18 | Паста красящая | 3206 49 800 0 |
| 19 | Краски и лаки на основе синтетических полимеров | 3209 10 000 9 |
| 20 | Казеиновая эмульсия (краска) | 3209 90 000 0 |
| 21 | Лаки для кожи | 3210 00 900 0 |
| 22 | Вещества ПАВ неионогенные | 3402 13 000 0 |
| 23 | Вещества ПАВ органические | 3402 19 000 0 |
| 24 | Жиры синтетические (средства для обработки кожи) | 3403 11 000 0 |
| 25 | Жиры синтетические (средства для обработки кожи) | 3403 91 000 0 |
| 26 | Средства для обработки кожи | 3403 91 000 0 |
| 27 | Разделительное средство (смазка для пресформы) | 3403 99 900 0 |
| 28 | Средства для обработки кожи | 3405 10 000 0 |
| 29 | Адгезивы | 3506 91 000 0 |
| 30 | Клей гранулированный | 3506 99 000 0 |
| 31 | Мягчильные средства (панкреатические ферменты) | 3507 90 900 0 |
| 32 | Воск обувной | 3807 00 900 0 |
| 33 | Антисептик, антиплесневые средства | 3808 92 800 0 |
| 34 | Средства отделочные | 3809 93 000 0 |
| 35 | Стабилизаторы | 3812 30 800 0 |
| 36 | Растворитель (для удаления красок и лаков) | 3814 00 900 0 |
| 37 | Компоненты полиуретана «С» (катализатор) | 3815 90 900 0 |
| 38 | Азодикорбонамид порофор | 3824 90 980 9 |
| 39 | Смола ПВХ | 3904 10 001 0 |
| 40 | Пластикаты ПВХ для подошвы | 3904 22 000 0 |
| 41 | EVA materrial (сополимер винилхлорида и винилацетата) | 3904 30 000 0 |
| 42 | Компоненты полиуретана «А» | 3907 99 190 0 |
| 43 | Компоненты полиуретана «В» | 3909 50 900 0 |
| 44 | Плита полипропиленовая | 3920 20 900 0 |
| 45 | Тентовый материал | 3921 90 600 0 |
| 46 | Колодки обувные | 3926 90 980 8 |
| 47 | Латекс каучуковый натуральный | 4001 10 000 0 |
| 48 | Каучук (галогенированный изобутиленизопреновый) | 4002 39 000 0 |
| 49 | Хлоропреновый каучук НТ | 4002 49 000 0 |
| 50 | Каучук бутадиеннитрильный | 4002 59 000 0 |
| 51 | Латекс | 4002 91 000 0 |
| 52 | Пластины резиновые пористые | 4008 11 000 0 |
| 53 | Пластины резиновые непористые | 4008 21 900 0 |
| 54 | Мех натуральный (овчина меховая) | 4302 19 801 0 |
| 55 | Мех искусственный | 4304 00 000 0 |
| 56 | Нитки швейные синтетические из химических нитей, не расфасованные | 5401 10 180 0 |
| 57 | Нитки швейные синтетические из химических волокон, расфасованные | 5508 10 900 0 |
| 58 | Ткань капроновая (из синтетических полиэфирных волокон) | 5512 19 900 0 |
| 59 | Ткань капроновая (из синтетических полиэфирных волокон) | 5515 11 900 0 |
| 60 | Нетканые материалы из химических нитей | 5603 14 900 0 |
| 61 | Узкие ткани (травера) с кромкой | 5806 32 100 0 |
| 62 | Текстильные материалы (дублированные и триплированные) | 5903 10 900 9 |
| 63 | Текстильный материал с полиуретановым покрытием | 5903 20 900 0 |
| 64 | Термопластический материал | 5903 90 100 0 |
| 65 | Синтетическая кожа | 5903 90 910 0 |
| 66 | Клейкие ленты (текстильные материалы прорезиненные) | 5906 10 000 0 |
| 67 | Заготовки верха обуви (из кожи) | 6406 10 110 0 |
| 68 | Заготовки верха обуви (из прочих материалов) | 6406 10 900 0 |
| 69 | Формованная подошва из резины | 6406 20 100 0 |
| 70 | Формованная подошва из пластмассы и профилит | 6406 20 900 0 |
| 71 | Подошвы из композиционной кожи | 6406 99 600 0 |
| 72 | Сталь для изготовления резака | 8208 90 000 0 |
| 73 | Иглы швейные | 8452 30 900 0 |
| 74 | Части для обувного и кожеперерабатывающего оборудования | 8453 90 000 0 |
| 75 | Прессформы для литья резины и пластмасс | 8480 71 000 0 |
| 76 | Камера для мячей | 9506 69 900 0 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# ТУМАНЛАР (ШАҲАРЛАР) ҲОКИМЛИКЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ (РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ)НИ АМАЛГА ОШИРИШГА РУХСАТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ЛОЙИҲАЛАРНИ ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРДА БИР ЖОЙНИНГ ЎЗИДА КЕЛИШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 27-сон, 316-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 апрелдаги 127-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 2 июль*
*184-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 2 июлдаги 184-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ТУМАНЛАР (ШАҲАРЛАР) ҲОКИМЛИКЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ (РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ)НИ АМАЛГА ОШИРИШГА РУХСАТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ЛОЙИҲАЛАРНИ ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРДА БИР ЖОЙНИНГ ЎЗИДА КЕЛИШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширадиган қурувчилар, шунингдек уй-жойни реконструкция қиладиган уй-жой мулкдорларига татбиқ этилади.

3. Инспекция белгиланган тартибда пулли хизматлар кўрсатади.

4. Қурувчи ёки уй-жой мулкдори тегишли равишда якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилишни амалга ошириш учун рухсатномаларни Инспекцияга мурожаат қилмасдан мустақил равишда расмийлаштириш, шунингдек лойиҳаларни келишиш ҳуқуқига эга.

5. Зарур ҳолларда, ушбу Низом доирасидаги амалий ҳаракатлар қурувчи ёки уй-жой мулкдори номидан уларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши мумкин.

6. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**уй-жой** — инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойлар, жумладан якка тартибдаги уйлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, шунингдек якка тартибдаги уйларга тегишли бўлган ёрдамчи-хўжалик қурилмалари ва дам олиш ёки шахсий хўжалигини юритиш учун мўлжалланган ҳовлидаги иморатлар;

**реконструкция** — архитектуравий режалаштирилган ечимларни ўзгартириш, устқурмалар қуриш, қисман бузган ҳолда, ишдан чиққан ва маънавий эскирган конструкциялар ва муҳандислик жиҳозларини, шу жумладан ташқи тармоқларни (магистраль тармоқлардан ташқари) алмаштирган ҳолда ёнма-ён иморатлар қуриш.

### II. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШДА РУХСАТНОМАЛАР ОЛИШ ВА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРДА ЛОЙИҲАЛАРНИ КЕЛИШИШ ТАРТИБИ

7. Уй-жой қуришга рухсатномалар олиш учун қурувчи ёхуд унинг вакили ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси ва тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган уй-жой қуришга лойиҳани илова қилган ҳолда Инспекцияга ариза беради.

8. Ариза махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва қурувчи ёхуд унинг вакилига ариза олинган сана кўрсатилган кўчирма берилади.

Қурувчи ёки унинг вакилидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва келишувлар тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Уй-жой қуришга лойиҳа қуйидагилардан иборат бўлади:

ер усти ва ер ости муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси тарҳи;

пойдеворлар, ертўлалар, қаватлар, уларнинг кесим-

лари ва бинонинг олд томони тарҳлари;
молиявий смета ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлган тақдирда).

10. Битта ер участкасида бир нечта турар жой қуришга рухсат берилади.

11. Инспекция аризани олгандан кейин бир кун муддатда:

туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га — уй-жой қуришга лойиҳани келишиш учун;

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими)га — ер участкасига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли буюртманомалар беради.

12. Туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) уч кун муддатда уй-жой қуришга лойиҳани келишади, ундан кейин ҳужжатларни Инспекцияга юборади.

13. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) уч кун муддатда тегишли гувоҳномани расмийлаштирган ҳолда ер участкасига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказади, ундан кейин ҳужжатларни Инспекцияга юборади.

14. Инспекция бир кун муддатда қурувчига ёхуд унинг вакилига келишилган лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни беради.

15. Келишилган якка тартибдаги ёки намунавий лойиҳа уй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

## III. УЙ-ЖОЙНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА РУХСАТНОМАЛАР ОЛИШ ВА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРДА ЛОЙИҲАЛАРНИ КЕЛИШИШ ТАРТИБИ

16. Уй-жойни реконструкция қилишга рухсатномаларни расмийлаштириш учун уй-жой мулкдори ёхуд унинг вакили Инспекцияга мўлжалланаётган ишларни баён қилган ҳолда реконструкция қилишга ариза беради.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

уй-жойга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхаси;

тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган турар жойни реконструкция қилишга лойиҳанинг нусхаси;

лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланган тартибда тайёрланган техник хулоса;

кўп квартирали уйларда уй-жойни реконструкция қилишда умумий мулкнинг сақланишини таъминлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ёзма розилиги.

17. Ариза махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва мулкдорга ёхуд унинг вакилига ариза олинган сана кўрсатилган кўчирма берилади.

Мулкдор ёки унинг вакилидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва келишувлар тавқим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

18. Инспекция ариза олингандан кейин бир кун муддатда туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га реконструкция қилиш бўйича ҳужжатларни келишиш учун тегишли буюртманома беради.

19. Туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) буюртманома олингандан кейин уч кун муддатда белгиланган тартибда реконструкция қилиш бўйича ҳужжатларни келишади, кейин уларни Инспекцияга юборади.

20. Инспекция бир кун муддатда реконструкция қилиш бўйича келишилган ҳужжатларни мулкдорга ёхуд унинг вакилига беради.

21. Реконструкция қилиш бўйича ҳужжатлар келишуви рад этилган тақдирда ариза берувчига унинг аризасини қондириш учун тўсқинлик қилган сабаблар ва ҳолатлар, шунингдек унинг Инспекцияга қайта мурожаат қилиши мумкин бўлган шартлар ёзма шаклда тушунтирилади. Рад этиш устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

22. Келишилган реконструкция лойиҳаси уй-жойни реконструкция қилиш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

## IV. ҚУРИЛИШИ (РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ) ТУГАЛЛАНГАН УЙ-ЖОЙНИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

23. Уй қуриш ва уй-жойни реконструкция қилиш тугаллангандан кейин қурувчи ёки уй-жой мулкдори ёхуд уларнинг вакиллари уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан Инспекцияга мурожаат қиладилар. Инспекциянинг буюртманомасига кўра туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) ўн кун муддатда уй-жойни техник хатловдан ўтказади. Уй-жойни хатловдан ўтказиш хизматлари қиймати белгиланган тартибда белгиланади.

24. Техник хатловдан ўтказиш ишлари бажарилгандан кейин туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатадиган қабул комиссияси уч кун муддатда жойнинг ўзига чиқиб уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси келишади.

Уй-жой қурувчининг ўз кучи билан қурилаётган (реконструкция қилинаётган) тақдирда битта яшаш хонаси, ошхона, ҳожатхона қурилиши тугалланганда, лойиҳага мувофиқ муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганда алоҳида турган ёрдамчи-хўжалик қурилмалари ва ҳовли иморатларисиз ҳамда ҳудудларни ободонлаштирмасдан, уйнинг бир қисмини қабул қилишга рухсат берилади.

25. Инспекция шаҳар (туман) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) ҳамда туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) билан келишган ҳолда уч кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимига уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритади.

26. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли қарор лойиҳаси киритилгандан кейин икки кун муддатда қабул қилинади.

27. Туман (шаҳар) ҳокимининг уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида Инспекция туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими)га уй-жойга мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилади. Уй-жойга мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, тегишли гувоҳнома берилган ҳолда бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

28. Тайёрланган ҳужжатлар қурувчи ёки уй-жой мулкдорига ёхуд уларнинг вакилларига бир кун муддатда берилади.

## V. УШБУ НИЗОМ ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ҚУРУВЧИЛАР ВА УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

29. Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилишни амалга оширадиган қурувчилар ва уй-жой мулкдорлари (жисмоний ва юридик шахслар) шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, уй-жой қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаси, шунингдек ушбу Низом талаблари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

7. Ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар уч кун мобайнида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органи томонидан Махсус комиссиянинг ишчи органига берилади.

8. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тушгандан кейин ишчи орган икки кун муддатда компенсация тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга киритади.

9. Ҳужжатлар ишчи органдан тушган санадан бошлаб икки ҳафта муддатда Махсус комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ногирон ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш ёхуд компенсация тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

10. Махсус комиссия, агар унинг мажлисида Махсус комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус комиссиянинг қарорлари унинг ушбу мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Махсус комиссия раҳбарининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11. Компенсация тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор:

реабилитация техник воситаси ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилмаган;

ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган ҳолларда қабул қилинади.

12. Махсус комиссия томонидан компенсация тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни мобайнида ариза берувчига рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб юборади.

13. Компенсация тўлашни рад этиш учун асос бўлган тегишли сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ариза берувчи Махсус комиссияга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Компенсация тўғрисидаги ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда рад этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилмаган янги талаблар қўйилишига йўл қўйилмайди.

14. Ариза берувчи компенсация тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

## III. КОМПЕНСАЦИЯ МИҚДОРИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

15. Компенсация реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматларнинг ўртача қийматидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

16. Компенсация республика бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади.

17. Реабилитация техник воситасининг ўртача қиймати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан жорий йилда белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер савдолари асосида буюртмалар жойлаштирилган тегишли реабилитация техник воситаси нархига тенг бўлган суммада белгиланади.

Хизматларнинг ўртача қиймати жорий йилда ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган реабилитация техник воситаларини таъмирлашга тарифлар ва баҳолар асосида белгиланади.

18. Компенсация тўлаш учун пул маблағлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Махсус комиссиянинг қарори асосида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

Компенсация белгиланган тартибда ногирон яшайдиган жойдаги Халқ банки бўлими орқали амалга оширилади.

19. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ногиронларга компенсация тўлаш учун тушган маблағлар ҳисобини белгиланган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигининг бўлимларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида юритадилар.

20. Компенсация Махсус комиссия томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида тўланади.

21. Ишчи орган йилнинг ҳар чорагида белгиланган муддатларда Молия вазирлигига туманлар (шаҳарлар) бўйича ногиронларга сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

## IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# 2009-2012 ЙИЛЛАРДА ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ТАЙЁР ЧАРМ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 25-сон, 289-модда)*

Тайёр чарм-пойабзал товарлари ишлаб чиқариш, аҳолининг ўсиб бораётган талабларини биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобига қондириш, кўнчарм хом ашёсини самарали қайта ишлаш, тармоқ корхоналарида замонавий технология асбоб-ускуналарини жорий этиш ва шу асосда рақобатбардошли кўн-чарм ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек чарм-пойабзал корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2009-2012 йиллар даврида чарм-пойабзал маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг мақсадли параметрлари 1, 1а, 1б-иловаларга* мувофиқ;

2009-2012 йиллар даврида республика чарм-пойабзал корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини фаоллаштирсинлар.

---

***1-2-иловалар берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.**

2. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар раҳбарлари билан биргаликда 2-иловага киритилган лойиҳаларининг ТИА ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси ушбу бандни қатъий назоратга олсин ва бажарилишини ташкил этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсин.

3. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан биргаликда 2010 йил 1 январгача Пойабзал дизайни марказини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсин, унга қуйидаги асосий вазифаларни юкласин:

пойабзал дизайни ва уни ишлаб чиқариш, чарм галантерия, аксессуарлар соҳасидаги жаҳон модалар тенденцияларини ўрганиш ва истиқболда моделлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

пойабзал ва чарм-галантерия саноати корхоналари ва турдош тармоқлар мутахассислари учун пойабзал ва чарм-галантерия маҳсулотларини моделлаштириш ва уларнинг конструкцияси масалалари бўйича методик семинарлар ва йиғилишлар ташкил этиш;

замонавий пойабзал технологияси, дизайни, уларни конструкциялаш ва ишлаб чиқариш бўйича чарм-пойабзал тармоғи ва алоҳида жисмоний шахслар учун кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича курслар ташкил этиш ҳамда ихтисослаштирилган методик қўлланмалар ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар ва институтлар, пойабзал ва чарм-галантерия маҳсулотларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш соҳасига ихтисослашган хорижий модалар уйлари ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси билан биргаликда Пойабзал дизайни марказини жойлаштириш учун бино ажратиш масаласини бир ой муддатда белгиланган тартибда ҳал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарорига мувофиқ жорий йилда пойабзал ва чарм галантерия ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи материаллар ва фурнитура ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда фурнитура ишлаб чиқаришга ихтисослашган потенциал инвесторларни жалб қилган ҳолда пойабзал ва чарм-галантерия ишлаб чиқариши учун фурнитура ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни яратиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январгача божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш тарзида имтиёзлар берилган чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва улар ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган импорт бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси билан биргаликда

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга талаб қилинадиган халқаро даражани ҳисобга олган ҳолда стандартларни ишлаб чиқишда, шунингдек ушбу корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жадал жорий этишда кўмаклашсин;

бир ой муддатда чарм-пойабзал тармоғи корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати устидан таъсирчан назоратни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мол сўйишда ва тери хом ашёсини республиканинг тайёрлов ва терини қайта ишлаш корхоналарига топширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 17 июнь*
*169-сон.*

***3-илова рус тилида берилади.**

*ПРИЛОЖЕНИЕ N 3*
*к постановлению КМ РУз*
*от 17 июня 2009 года N 169*

## ПЕРЕЧЕНЬ
## ИМПОРТИРУЕМЫХ КОМПЛЕКТУЮЩИХ ИЗДЕЛИЙ, СЫРЬЯ И МАТЕРИАЛОВ, НЕ ПРОИЗВОДИМЫХ В РЕСПУБЛИКЕ И ИСПОЛЬЗУЕМЫХ ДЛЯ СОБСТВЕННЫХ НУЖД ПРЕДПРИЯТИЯМИ – ПРОИЗВОДИТЕЛЯМИ КОЖЕВЕННО-ОБУВНОЙ ПРОДУКЦИИ, ПО КОТОРЫМ ДО 1 ЯНВАРЯ 2012 ГОДА ПРЕДОСТАВЛЕНЫ ЛЬГОТЫ В ВИДЕ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ (ЗА ИСКЛЮЧЕНИЕМ СБОРОВ ЗА ТАМОЖЕННОЕ ОФОРМЛЕНИЕ) В СООТВЕТСТВИИ С ПОСТАНОВЛЕНИЕМ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОТ 28 ЯНВАРЯ 2009 ГОДА N ПП-1050 «О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ РАСШИРЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ОТЕЧЕСТВЕННЫХ НЕПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ ТОВАРОВ»

| *N* | *Наименование комплектующих изделий, сырья и материалов* | *Код ТН ВЭД* |
|---|---|---|
| 1 | Пек таловый омыленный | 2708 10 000 0 |
| 2 | Сернистый натрий (сульфид натрия) | 2830 10 000 0 |
| 3 | Сульфаты натрия | 2833 19 000 0 |
| 4 | Сульфаты хрома | 2833 29 200 0 |
| 5 | Алюминиевые квасцы | 2833 30 000 0 |
| 6 | Бикарбонат натрия | 2836 30 000 0 |
| 7 | Муравьиная кислота | 2915 11 000 0 |



# БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

*Мавзувий нашр*

**МУНДАРИЖА:**


- ✓ **Ҳамонки бадал мажбурий экан, уни тўлаш шарт**
- ✓ **Натурада тўлаш баҳс-низоларга сабаб бўлади**
- ✓ **Уй устидаги «тарелка»**
- ✓ **Омилкорлар ёнма-ён ишлаганда**
- ✓ **Ҳисоблагичларни текшириш**
- ✓ **«Уй пештоқидаги реклама... ширкатни бойитсин»**
- ✓ **Машиналар қаерда сақланади**


Юрист нуқтаи назари

## ҲАМОНКИ БАДАЛ МАЖБУРИЙ ЭКАН, УНИ ТЎЛАШ ШАРТ

***Тошкент шаҳридаги ХУМШларнинг аксариятида шундай одамлар борки, улар йўлак мутасаддиси, («подъездком») уй мутасаддиси («домком») вазифасини бажарадилар. Ёнма-ён жойлашган учта ХУМШдаги мен сўров ўтказган аҳоли орасида биронта ҳам одам бундай мутасадди ана шу жамоат ишига қай йўсинда тайинланган, нима иш билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар қайси ҳужжатда белгилаб қўйилган, бу борада бирор-бир шартнома ва шунга ўхшаш ҳужжатлар борми деган саволларга аниқ жавоб бера олмади.***

***Ана шу жамоатчининг мақоми тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийин бўлса-да, у билан боғлиқ бир масалага муфассалроқ тўхталиб ўтиш керак. Гап йўлак (уй) мутасаддиларининг ХУМШга мажбурий бадал тўлашдан озод қилиб қўйилиши қанчалик қонуний эканлиги ҳақида бормоқда. Улар «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун*** *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* ***30-моддасининг олтинчи қисмига асосланган ҳолда ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши қабул қилган қарорга кўра мажбурий бадалларни тўлашдан озод этилиши мумкин деган фикрлар ҳам бор.***

***Бу қонун ҳужжати нормаларини нотўғри талқин этишга асосланган жиддий хато бўлиб, уни фаолларни ишга жалб этиш ва рағбатлантириш борасидаги аллақандай тажриба тариқасида такрорламаслик керак. Ушбу мақолада, бу нарса биринчидан, ҳуқуқий хато эканлигини, иккинчидан, молиявий масъулиятсизлик, умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари юкини адолатсиз равишда ХУМШ бошқа аъзоларининг зиммасига юклаш манбаи эканлигини далил-у асослар билан кўрсатиб беришни истардик.***

Муддаони қонун мазкур моддасини қўллашнинг барча юридик жиҳатларини таҳлил этиш асосида амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Шундай қилиб:

1. Қонуннинг 30-моддаси жой мулкдорларининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммага олиш борасидаги *мажбуриятини* тартибга солади ва шу муносабат билан унга бошқа бир *мажбуриятни*, яъни ҳар ойда мажбурий бадаллар тўлаш мажбуриятини белгилайди. Бунда истиснолар бўлиши мумкин эмас.

2. Қонунда мажбурий бадаллар «қоида тариқасида, пул шаклида» тўланиши кўрсатиб ўтилган. Шу ўринда бадал пул шаклида тўланиши умумий қоидадир. ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланиши ҳам Қонунда аниқ айтилган.

3. «Айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан ***мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашининг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор*** қабул қилиши мумкин».

Таъкидлаш жоизки, «қоида тариқасида», «айрим ҳолларда» деган таърифлар унда гап истиснолар ҳақида бораётганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, ўз балансини жуда пухталик билан ишлаб чиқаётган, йиллик иш дастурини ва тегишли сметани лозим даражада тасдиқлаётган, молия бобида ҳамма иши рисоладагидек бораётган ХУМШ ҳақида сўз борар экан, бадал тўлашнинг пул шаклини умумий харажатлардаги иштирокнинг бошқа турига алмаштиришга ўрин қолмайди, чунки режалаштирилаётган ишлар смета бўйича пул даромадлари билан тўлиқ таъмин этилган бўлади.

Бадал тўлашдаги алмаштирув имкониятидан асосан молия ва моддий-техника борасида жиддий муаммоларга дуч келаётган, хўжаликдаги камчиликларини «бир амаллаш» учун ҳар кўйга тушадиган ширкатлар фойдаланадилар. Негаки ёғингарчилик даври келиб томдан чакка ўтса, рубероид қидиришга, ертўлада қувур ёрилиб кетса вентиль ва бошқа ашёларни излашга тушадилар, йўлакда чироқ ёнмаётган бўлса, лампочка топиб келиш ҳаракатини қиладилар. Хуллас, сувни кўрмагунча этик ечмайдилар. Лекин ишига пухта ширкатда ҳам баъзан фавқулодда вазиятлар, авария ва ҳалокатлар содир бўлади, шунда ,бундай ҳолатларни бартараф этиш учун сметада режалаштириб қўйилган даро-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

мадлар камлик қилади, масалани эса зудлик билан ҳал этиш лозим. ХУМШларда шундай ҳолларни бартараф этишга йўналтириладиган махсус фондлар бўлиши лозим (*Қонуннинг 15-моддаси*). Мақола муаллифи кўп қаватли уйда яшовчилардан бирида бозордагидан анчагина арзон баҳода, сифатли ускуна борлигидан фойдаланиб, ишни «умумий харажатдаги иштирокнинг бошқа тури» сифатида расмийлаштириб қўя қолишни маъқул биладиган ХУМШдан ҳам хабардор (бунда ўша одам ускунага тааллуқли сертификатдан то касса чекига қадар барча ҳужжатлар тақдим этганлиги ҳам аён).

### ЮРИДИК ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРАМИЗ

1. Қонун ижодкорлари уй-жой фондининг ҳар бир квадрат метрини сақлаш ва таъмирлаш учун мажбурий бадаллар **пул шаклида** тўланади деб белгилаб қўйишган. Бу ҳол бирорбир далил-исбот талаб этмайди, зотан бозор иқтисодиёти айнан шу воситага асосланади. Бадалнинг пул шакли Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомда *(МВ, ИВ, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ да 2007 йил 10 апрелда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан буён матнда Низом деб юритилади)* ҳам асосли белгилаб қўйилган.

Бадал миқдорини белгилашда ишларнинг (хизматларнинг) Низомда кўрсатилган тўлиқ рўйхати ва ҳажмларига мувофиқ равишда ХУМШ томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметаси бирламчи асос ҳисобланади.

Даромад қисми, маълумки, ХУМШ аъзоларининг мунтазам равишда тўлаб борадиган ойлик мажбурий бадалларидан, яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорларининг бадалларидан ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ва тушумлардан ташкил топади. Даромадлар сметасида режалаштирилган барча харажатларни ҳамда умумий мол-мулкни, ХУМШнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ ширкат молиявий мажбуриятларини қоплаш назарда тутилмоғи лозим. Сметанинг харажатлар қисми унинг даромадлар қисмидан ортиб кетмаслиги керак.

Шундай қилиб, баланс деганлари тийин-тийинигача тўппатўғри келиши лозим деган принцип асосида шаклланади. Балансдаги мувозанат бузилганда бериладиган ҳар қандай баҳо сўм ва тийинларгача аниқликда ифодаланади. Ҳар қандай даромад сўм ва тийинда аниқланганидек, ҳар қандай харажат ҳам худди шу йўсинда ифода топади. Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, активлар ва пассивларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати фақат пул баҳосида ифода топмоғи керак. Худди шу нарса даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини аниқ қиёслаш, активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳосини чиқариш имконини беради.

2. Қонун ижодкорлари айтиб ўтганидек, айрим ҳолларда ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдорлари томонидан ***мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор*** қабул қилиши мумкин.

*Биринчидан*, эътиборни гап ойлик ёки йиллик мажбурий бадалларнинг пул шаклидаги жами суммасини эмас, балки ***унинг муайян бир қисмини*** алмаштириш имконияти тўғрисида бораётганлигига қаратамиз.

*Иккинчидан*, сўз пул ифодасидаги мажбурий бадалларнинг бир қисмини ***умумий харажатдаги иштирокнинг бошқа турига*** алмаштириш эҳтимоли ҳақида бораётган экан, шак-шубҳасиз, умумий харажатдаги иштирокнинг унга **иқтисодий жиҳатдан тенг** бўлган ва **юридик жиҳатдан ўз тасдиғини топадиган** тури назарда тутилмоқда. Шу нарса тушунарлики, бу борада **тенглик ХУМШга киритиш лозим бўлган пул ифодасидаги мажбурий бадалларнинг миқдори билан тамомила боғлиқ бўлади.**

**Иқтисодий жиҳатдан тенглик** ёки бошқача қилиб айтганда, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ХУМШ умумий харажатларидаги иштирокнинг ишончли бўлмаган бу шакли айни шу пайтда ширкат учун, бинобарин ширкатнинг бошқа аъзолари учун ҳам фойдали, ҳам долзарб эканлигини англатади. Масалан, ХУМШ аъзоларидан кимдир келаси ой учун тўлаши лозим бўлган пул шаклидаги мажбурий бадалларнинг бир қисми ўрнига ёки ўтган ойлардаги қарзини қоплаш ҳисобига томга ёпиш учун сифатли рубероид ёхуд дарз кетган, ўйдим-чуқур ҳосил қилишгача бориб етган жойларни, чокларни ямаш ва батамом беркитиб юбориш учун герметик қурилиш материали берадиган бўлса, табиийки, ширкат аъзолари учун фойдали, айни муддао ишдир. Бироқ иқтисодий жиҳатдан бу йўсиндаги тенг «иштирокчилик» мунтазам тус олмаслиги керак. Негаки бу қоидадан истисно бўлиб, у ширкат аъзоси пул борасида қийналаётган, аммо пул шаклидаги бадалга тенг мол-мулки бўлган алоҳида ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Истисно йўсинидаги мазкур қоидани суиистеъмол қилиш охир-оқибат яхшиликка олиб келмайди.

Айтиш жоизки, пул шаклидаги мажбурий бадалларнинг бир қисмини алмаштириш асоси натура (мол-мулк) ҳолидаги бундай бадал қиймати тўғрисида ҳужжатли ахборот, яъни кўшаётган моддий улуши **пул шаклидаги бадалга, аниқроғи** ХУМШга тўлаши шарт бўлган **мажбурий бадалнинг тегишли қисмига тенг эканлигини** юридик жиҳатдан тасдиқловчи далиллар борлигидир. **Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари** шундай далил вазифасини ўтайди. Булар жумласига касса чеклари, кирим квитанциялари ёки товар чеклари, инвойслар, тўлов ёки бошқа банк ҳужжатлари ҳамда ХУМШ бухгалтериясига натура (мол-мулк) бадалини пул шаклидаги мажбурий бадалнинг бир қисмига алмаштириш тарзида тўғри ҳисобга олиш имконини берадиган бошқа ҳужжатлар киради.

Энди ХУМШ аъзоси кўрсатиши мумкин бўлган хизматлар ва бажариши мумкин бўлган ишлар ҳақида. Бу хизматлар ва ишларнинг уйни капитал ёки жорий таъмирлаш ишлари ҳамда умумфойдаланадиган жойларни супуриб-сидириш, тозалаш ишлари доирасида амалга ошириладиган деярли барча турлари рақобат варақлари бўйича, ушбу минтақада қарор топган ўртача бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Айтайлик, «Ўзкоммунўқувташкилотчи» марказида фаолиятнинг барча соҳасида иш олиб бораётган сервис компанияларга, коммунал хизматлар етказиб берувчиларга тааллуқли, бинобарин, чилангар-сантехникдан тортиб электриккача, баланд қаватли бинолар монтажчиларидан тортиб лифтчиларгача, таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи барча хизматчиларга оид маълумотлар базаси бор. Шу сабабли ХУМШ учун бажарилган ҳар қандай иш, кўрсатилган ҳар қандай хизматни уларнинг реал қиймати ва ҳужжат кўринишидаги далил-исботи билан аниқ ҳисобга олиш имконини беради: ишлар ҳужжат билан расмийлаштирилади, сервис компанияси бажарилган ишлар далолатномасидан ташқари ХУМШ аъзоси бўлмиш жисмоний шахсдан олинган сумма кўрсатилган кирим квитанциясини ҳам тақдим этади. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ХУМШ ва кўп қаватли уйларда яшовчилар аксарият ҳолларда мардикорлар, бозордаги ёлланма усталар хизматидан фойдаланадилар. Уларнинг хизмати арзонга тушиши мумкин, аммо тадбиркор сифатида лозим даражада рўйхатдан ўтмаганликлари сабабли, қилган ишлари сифатига жавоб беришларига ишониб бўлармикан? Қолаверса, умумий харажатдаги иштирокнинг бундай турини ҳисобга олиш қийин. ХУМШнинг бундай иштирокчилиги қатъиққўллик билан тегишли баҳосини олмоғи керак.

Йўлак (уй) мутасаддиларининг жамоатчилик асосидаги вазифасига келганда шуни айтиш керакки, бу ижтимоий фаолиятнинг умуман бозор баҳоси йўқ. Йўлакларда квартирама-квартира юриб у ёки бу тадбирни эълон қилиб чиқиш, йиғилишларда вакиллик қилиш ва шу сингари ишлар моҳиятига объектив баҳо бериб бўлмайди, энг муҳими унинг қийматини юридик жиҳатдан аниқ далиллаб бўлмайди. Ҳужжат билан тасдиқланувчи асос йўқлиги эса молиявий қинғирликлар ўчоғига ўтин қалаш билан тенг.

Йўлак мутасаддиларининг **ижтимоий вазифаси** ҳақида бежиз сўз очмадик. Агар уларга бошқа нуқтаи назардан қаралса, қонун ҳужжатларини ва ХУМШ иш мантиғини икки карра бузган бўлиб чиқамиз. Мабодо йўлак мутасаддиси ширкат учун шу даражада керакли лавозим бўлса, уни ХУМШ штатига қабул қилиб олиш ва йиллик сметани янги штат лавозимини инобатга олган ҳолда тасдиқлаш лозим. Бундай ҳолларда ширкат штатидагилар ўз мажбуриятларини очиқ-

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

дан-очиқ уддалай олмаяпти деб қайд этишга тўғри келади. Айни вақтда йўлак мутасаддиси бухгалтер, директор, чилангар, иқтисодчи, юрист – умуман штатдаги қайси мутахассиснинг ўрнини эгаллайди деган савол туғилади. Ҳар қандай жавоб эса ХУМШ ходимлари иши самарадорли эмаслигидан, ширкатнинг пул ресурслари талон-торож қилинаётганлигидан далолат беради.

Борди-ю, йўлак мутасаддисининг иши иқтисодий жиҳатдан қимматли деб топиладиган бўлса, у ҳолда мазкур шахс тадбиркор мақомини олиши керак ва шу алфозда юридик шахс сифатида ёрдам кўрсатмоғи даркор (бошқарув компанияларини эслайлик).

**Шундай қилиб, Қонун 30-моддасининг олтинчи қисми йўлак (уй) мутасаддисини мажбурий бадалларни тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод қилиш ҳуқуқини бермайди. Уларни бундай мажбуриятдан озод қилиб қўйиш ХУМШлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари бузилиши нуқтаи назаридангина эмас, балки, юмшоқроқ қилиб айтганда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципларини менсимаслик нуқтаи назаридан ҳам юридик асосга эга эмас**. Йўлак мутасаддиларини ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра бадал тўлашдан озод қилиб қўйиш тарафдорларининг фикрича:

– мазкур йўлакда яшовчи ва йўлак мутасаддиси вазифасини бажарувчи жисмоний шахснинг меҳнати (ишлари ёки хизматлари) пул шаклидаги мажбурий бадалнинг бир қисми ҳисобига инобатга олиниши мумкин бўлган муайян «қиймат»га эга;

– бу меҳнатнинг «қиймати» ХУМШга тўланадиган мажбурий бадалнинг бир қисми миқдорига тенг;

– ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши бу меҳнат «қиймати»нинг тенг деб қаралаётган миқдорини мажбурий бадалнинг бир қисмини тўлаш ҳисобига ўтказиши мумкин.

Лекин бундай ҳолларда ана шундай нуқтаи назар тарафдорлари ХУМШ юридик шахс сифатида жисмоний шахснинг «**баҳоланган меҳнати**»дан (ишлари ёки хизматларидан) фойдаланаётганлигини, аммо унга иш ҳақи тўламаётганлигини эътироф этишлари лозим, бу билан Меҳнат кодексининг кўпгина қоидалари бузилмоқда. Зотан мазкур Кодексга биноан:

а) иш берувчи билан (мазкур ҳолатда ХУМШ иш берувчи, йўлак мутасаддиси эса ходим ҳисобланади) меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқароси меҳнатга оид муносабатлар субъекти бўлиши мумкин;

б) ҳар бир ходим қилган меҳнати учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат ҳақи миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ, аммо иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган энг кам миқдоридан кам бўлмаган даражада белгиланади.

Энди мазкур бандларга шарҳ бериб ўтамиз.

Биринчи савол шуки, жисмоний шахс – йўлак мутасаддиси билан ХУМШ ўртасида меҳнат шартномаси борми? Йўқ, бундай шартнома тузилмаган. Ҳатто қайси бир ХУМШда шундай шартнома тузилган деб тахмин қилинган тақдирда ҳам, умумий йиғилишнинг унинг меҳнатини мажбурий бадалларга ўтказиш ҳақидаги қарори билан шартнома ўз мазмунини йўқотади, негаки шартномага кўра йўлак мутасаддисига меҳнати учун расман иш ҳақи тўланиши керак. Уни мажбурий бадаллар тўлашдан озод қилганликлари эса ўз йўлига. Шуниси равшанки, унинг йўлак мутасаддиси сифатидаги меҳнати билан ХУМШга тўланадиган мажбурий бадал ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ.

Иккинчи савол шундан иборатки, ХУМШ бундай йўлак мутасаддисига ҳақ тўлайдими? Йўқ, тўламайди. Кимдир эътироз тариқасида бундай ҳақ мажбурий бадаллар бир қисмини тўлашдан озод қилиш шаклида ифодаланмоқда-ку дейиши мумкин. Биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай шакли меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган эмас! Иккинчидан, натура ҳолидаги бундай ёндашувга розилик билдирилган тақдирда ҳам ХУМШ Меҳнат кодексининг 153-моддаси қоидаларини бузаётганлигини эътироф этиш зарур, бинобарин мазкур нормага мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш қоида тариқасида пул шаклида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланганидан бўлак ҳолларда, меҳнатга натура шаклида ҳақ тўлаш тақиқланади. ХУМШларга нисбатан ҳозирча бу борада бирон-бир истисно назарда тутилмаган.

***

Шундай қилиб, йўлак мутасаддиларини умумий мол-мулкни сақлаш борасидаги умумий харажатларни қоплашдан озод қилиб қўйиш ХУМШларда қарор топаётган пул йиғиш ва пул ресурсларини сарфлашнинг очиқ-ошкоралиги принципинигина эмас, балки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини ҳам рўй-рост бузишдир. Умумий йиғилишнинг ҳеч қанақа қарори мазкур ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини ўзгартира олмайди.

Айни ана шу принципларни инобатга олиб иккита норматив ҳужжат тайёрланган эди[1]. 2001 йили аҳоли томонидан уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини ҳамда **умумий мол-мулкни сақлаш борасидаги мажбурий бадалларни** ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаганлик учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ХУМШларни рағбатлантириш тизими иш бошлади. Тарафларнинг мажбуриятлари ҳам белгилаб олинган эди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй-жой ва коммунал хизматлар юзасидан қарзи бор оилаларни, шу жумладан кам таъминланган оилаларни аниқлашлари ҳамда умумий мол-мулкни сақлашга доир мажбурий бадалларни ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни тўлашда уларга тегишли ёрдам кўрсатиш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари лозим эди.

Мазкур ҳужжат маҳалла қўмитасига ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланмаган айрим оилаларга мажбурий бадалларни ёки тўловларни тўлашдаги қарздорликни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш имкониятини берди. Гап йўлак мутасаддиси ёки уй мутасаддиси ҳақида эмас, балки айни кам таъминланган оилалар ҳақида бораётганлигига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Таассуфки, ана шу механизм кўп ҳолларда амал қилмаяпти ҳисоб.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни талаб даражасида сақлашда фаол иштирок этаётган, коммунал тўловлар йиғишда кўмаклашаётган шахсларни «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг махсус ҳисобварағида жамланадиган маблағлар ҳисобидан мукофотлашга асосланган рағбатлантириш схемаси ҳам бор эди. Бундай мукофотнинг энг юқори миқдори Тошкент шаҳар ҳокими томонидан «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими билан келишилган ҳолда белгиланарди. Фуқаролар йиғинлари ҳар ой юзасидан қилинган ишлар натижалари асосида ҳокимлик вакили, ХУМШ раиси иштирокида йиғилиш ўтказиб, ўзини кўрсатган шахсларни мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилар эдилар. Лекин бу ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши эмаслигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Мукофотлашга лойиқ топилган шахслар рўйхати «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимларига топширилар эди. **Аммо бу ҳужжат ҳам уй мутасаддиси ёки йўлак мутасаддисини мажбурий бадаллар тўлашдан озод қилиш ҳуқуқини бермасди. Ҳужжат аслида айрим шахсларни ҳокимлик ва «Маҳалла» жамғармаси билан қатъиян келишган ҳолда мукофотлаш ҳуқуқини берарди, холос.**

Шундай қилиб, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида уй мутасаддиси ёки йўлак мутасаддисига мажбурий бадалларни тўламаслик ҳуқуқини ёхуд умумий йиғилишга уларни шундай мажбуриятдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ҳуқуқини берувчи қоидалар йўқ. Амалдаги қонун ҳужжатларимиз жамоат ишидаги фаолларни мажбурий бадаллар тўлашдан озод қилиш эмас, балки мукофотлаш ёки рағбатлантириш имкониятини беради.

***Леонид ХВАН,***
***юридик фанлар номзоди, доцент, адвокат.***
***Тошкент шаҳри.***

---

*[1]Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом (молия вазирининг МАИМҚВ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Маҳалла» республика жамғармаси билан келишилган, АВда 2001 йил 17 майда 1032-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган); Тошкент шаҳрида кўп хонадонли уйларнинг умумий мулкини яхши ҳолатда сақлашда ва коммунал хизматлар тўловларини йиғиш учун ёрдам беришда фаол иштирок этувчи шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом («Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг АВда 2007 йил 12 мартда 1661-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган; 2008 йил март ойида ўз кучини йўқотди).*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

# НАТУРАДА ТЎЛАШ БАҲС-НИЗОЛАРГА САБАБ БЎЛАДИ

*Иккинчи гуруҳ ногирони – пойтахтнинг Юнусобод туманида фаолият юритадиган «Умид умиди» ширкати аъзосида онасининг оғир касаллиги билан боғлиқ моддий қийинчиликлар туфайли мажбурий бадаллар бўйича қарз юзага келиб қолди. 2008 йил июлда у ХУМШга қарзнинг бир қисмини умумий харажатларда иштирок этишнинг бошқа тури билан узишга ижозат беришларини сўраб ариза билан мурожаат қилди. Сўз умумий мулкни таъмирлаш учун материаллар: қиймати 100 минг сўм бўлган 20 кг мойбўёқ ва 20 кг алифмой бериш тўғрисида борди. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – Қонун) 30-моддаси мулкдорнинг умумий харажатларда иштирок этишининг бундай вариантини назарда тутади, бироқ «айрим ҳолларда» деб таъкидлайди.*

*Ширкат аъзосининг айтишича, раис ушбу масалани бошқарув аъзоларининг кўриб чиқишига киритган. Улар розилик билдирганлар, бироқ баённомада ушбу қарор акс эттирилмаган. Мулкдор ХУМШга материалларни уларнинг ҳажми ва нархи кўрсатилган ариза билан бирга топширган. Раис алифмой ва бўёқни қабул қилган, бироқ ушбу далилни ҳужжат билан қайд этмаган. Бир неча кундан кейин у фуқарога аризани қайтариб бериб, материаллар икки уй ертўласини таъмирлашда ишлатилганлиги тўғрисида бошқа ариза ёзишни ва унга имзо қўйишни илтимос қилган. Орадан тўққиз ойдан кўп вақт ўтган, бироқ улар қарзни узиш ҳисобига киритилмаган. Мулкдор ХУМШга бу масалада бир неча марта мурожаат қилган. Бир оз муддат ўтгач ширкатнинг ижрочи директори нархни пасайтира бошлаган, сўнгра бўёқ билан алифмойни сифати пастлигини рўкач қилиб олиб кетишни сўраган. Мулкдор ХУМШ раҳбарлари ўз ваъдаларини бажаришлари керак деб туриб олган. Бўёқнинг сифати тўғрисида унинг ўз мулоҳазалари бор эди: «Раис уни қабул қилаётганида эътироз қилмаган. Умуман олганда, бўёқнинг алмаштирилмаганлигига кафолат борми – ахир орадан 9 ой ўтиб кетди».*

*ХУМШ раҳбарлари бунинг аксини таъкидлаганлар. Мулкдор бўёқни ширкат хонасида уларнинг ижозатисиз қолдирган, ҳеч ким уни қабул қилиб олмаган. Бўёқ полиэтилен баклажкаларга қадоқланган, уни ким ишлаб чиқарганлиги маълум эмас, мувофиқлик сертификати ҳам, касса чеки ёки нархни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар ҳам бўлмаган. Ширкат раҳбарларининг фикрича, мулкдор бўёқ қийматини ошириб кўрсатган. Бозорда шаклланган нархлар мониторингини ўтказиб, улар бўёқнинг нархи ширкат аъзоси таъкидлаганидек 70 минг сўм эмас, балки 43 минг сўмдан ошмаслигини аниқлашди.*

*Охир-оқибатда ХУМШ раҳбарлари кўздан кечириш натижасида бўёқнинг сифати пастлигини, таъмирлаш ишлари учун ярамаслигини аниқлашди, бироқ бунинг ҳам ҳужжатли тасдиғи йўқ эди. Бошқарув раисининг айтишича, материаллардан фойдаланиш тўғрисидаги аризани у имзоламаган, аксинча, мулкдорга доимо уларни олиб кетишини эслатиб турган. Низога участка инспектори, маҳалла қўмитаси тортилди. Тошкент ва Юнусобод туман ХУМШ уюшмаларининг аралашишига тўғри келди. 9 ойдан кейин низо келишув битими билан якунланди: маҳалла қўмитаси билан биргаликда материал нархини қисман ҳисобга олишга қарор қилинди. Агар аввалбошдан «Умид умиди» ширкатининг умумий йиғилиши Қонуннинг 30-моддасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган, бошқарув эса ушбу ҳолни кўриб чиқаётганда «рад этиш» қарорини қабул қилиб, уни мулкдорнинг эътиборига етказганда эди, ҳеч қандай ихтилоф бўлмас эди.*

*Агар иккала тараф Қонун 30-моддасининг амал қилиш механизмини, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини яхшироқ билганларида, ихтилофга йўл қўймаслик мумкин эди. Кўпинча иккала тараф ХУМШда асосий қарорларни умумий йиғилиш қабул қилишини, уларни баённомада қайд этиб эса, бошқарув мазкур қарорларни бажариши, жорий фаолиятга раҳбарлик қилишини унутиб қўяди. Умуман олганда, агар ширкат ихтилофу низоларсиз ишлашни хоҳласа, ўзининг ҳар бир қадамини ҳужжат билан мустаҳкамлаши керак. ХУМШга мурожаат қиладиган мулкдорларга ҳам худди шу гап тегишлидир. Кейин ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини муҳокама қилиш билан шуғулланмаслик учун улар ўз даъво ва аризаларини икки нусхада ёзма равишда баён этишлари, уларга раис ёки ижрочи директор имзо чекиши керак.*

*Қонуннинг 30-моддасида белгиланишича, «**айрим ҳолларда** ширкат аъзоларининг **умумий йиғилиши** жой мулкдори томонидан **мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини** унинг умумий харажатларидаги иштирокининг бошқа турларига **алмаштириш тўғрисида қарор** қабул қилиши мумкин». Бугунги кунда Қонуннинг ушбу моддасидан барча ХУМШлар фойдаланади, бироқ кўпинча уни бузишади. Амалда ХУМШларнинг катта қисми пул йиғади, уларда муайян ишлар бажаради ва қонунга мувофиқ ҳаракат қиляпмиз деб ҳисоблайди. Бундай фаолият ширкатда биринчи текшириш ўтказишгача амал қилади ва унинг охир-оқибатда Қонунни эркин талқин этганлик учун жавоб беришига тўғри келади. Бундай мустақилликдан фақат **айрим, фавқулодда, бир марталик ҳолларда** фойдаланиш мумкин. Қўллаш амалиёти қатъий тартибга солишни тақозо этади. Ҳозирча ушбу модда амал қилишининг батафсил механизми ишлаб чиқилмаган, бироқ унга таяниб ушбу механизмни ишлаб чиқиш мумкин бўлган Қонун мавжуд.*

***Ширкат Қонунни бузмаслиги ҳамда мулкдорлар билан ХУМШ раҳбарлари ўртасида ихтилофлар юзага келмаслиги учун, ушбу моддадан фойдаланиб нималарни ҳисобга олиш лозимлиги хусусида Тошкент ХУМШлар уюшмасининг бош муҳандиси Раиса ЛИ ҳикоя қилади.***

### УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҲАЛ ҚИЛАДИ

«Умид умиди» ХУМШ устави мажбурий бадаллар бир қисмини иш ёки материаллар билан алмаштириш имкониятини назарда тутади. Бироқ бу етарли эмас. Ширкатнинг олий органи умумий йиғилишдир (*Қонуннинг 18-моддаси*). У ХУМШ фаолияти тўғрисидаги барча муҳим қарорларни қабул қилади, бошқарув эса ширкатнинг ижрочи органи ҳисобланиб, ХУМШ аъзолари умумий йиғилишига ҳисобот беради. **Ҳар йили умумий йиғилишда** ширкат аъзолари **мажбурий бадаллар ҳар йилги ҳисобланмаларининг қандай қисмини бошқа турдаги ишлар ёки материаллар билан алмаштириш мумкинлигини аниқлаштиришлари ҳамда ҳар бир аниқ ҳодиса бўйича қарорни бошқарув кўриб чиқишига топширишлари керак. ХУМШга** мажбурий тўловларни ширкатнинг ҳисоб-китоб рақамига банк

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 31 (212) ● 2009 йил 3 август 10

муассасалари орқали киритишнинг **пуллик шакли қабул қилинган**. Президентнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига кўра (*2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон*) **ХУМШ ва коммунал хизматларни етказувчи корхоналарга аҳолидан кўрсатилган уй-жой-коммунал хизматлар учун нақд пулларни, кассадан ташқари, мустақил йиғишни, шу жумладан фойдаланиш харажатларига ҳақ тўлашни ташкил қилиш тақиқланган.**

Нақд маблағлардан аҳолининг ҳомийлик ёрдами ёки мақсадли бадал сифатида фойдаланиш мумкин, бу ҳам бошқарув баённомаларида акс эттирилиши, бухгалтерия ҳужжатларида эса кирим – «Текин олинган сумма» сифатида қайд этилиши керак. Агар ишлар мақсадли бадал ҳисобига бажарилган, бироқ бу ҳужжатларда акс этмаган бўлса, исталган текширувда қандай маблағлар ҳисобига бажарилган деган савол туғилади. Албатта тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

30-моддада айрим, ягона ҳоллар тўғрисида сўз борганлигини унутмаслик зарур, ундан фойдаланиш ХУМШда меъёр бўлиб қолмаслиги керак. **Ҳар йилги ҳисоблаб ёзишларнинг** умумий харажатларда **иштирок этишнинг бошқа турларига алмаштириш мумкин бўлган бир қисми** ҳеч ҳам ҳисоблаб ёзишларнинг умумий ҳажмида устун турмаслиги керак – улар фавқулодда ҳоллардир, шу сабабли арзимаган қисми тўғрисида сўз боради. ХУМШга ҳар ойдаги ҳисобланмаларнинг тахминан 30 фоизи ходимларнинг иш ҳақига сарфланишидан келиб чиқиш керак. Мулкдорлар маблағларининг 30 фоизи бўлғуси таъмирлашга жамғариш учун депозит ҳисобрақамига ўтказилади. Қарийб 20 фоизи мажбурий тўловларга (электр энергияси, лифтлар, санитарик ишлов бериш, ахлатни олиб чиқиш, маъмурий-бошқарув харажатлари ва ҳоказо) кетади. Ҳали материаллар харид қилиши, пудрат ишлари ва ҳоказолар учун ҳақ тўлаши керак бўлган ширкатда қанча қолади?

Мулкдор **ХУМШ бошқарувига** мажбурий бадаллар бир қисмини материаллар ёки иш билан алмаштириш **имкониятини кўриб чиқиш** асосли илтимос қилинган **ариза билан (икки нусхада) мурожаат қилиши** керак.

## ҲАР ХИЛ ҲОЛАТЛАР БЎЛАДИ

Умумий йиғилиш мулкдор таклиф қилган материаллар ёки ишларга зарурат бор-йўқлигини аниқлаши керак. **Қонуннинг 30-моддаси фақат режалаштирилган ишлар ёки уларни бажариш учун зарур бўлган материалларга нисбатан қўлланилади**. Масалан, квартирани таъмирлагандан кейин мулкдорда бўёқ қолган, у эса бўёқни мажбурий бадаллар бир қисми ҳисобига топширишни хоҳлайди. Бироқ, ушбу йилда ширкат бўёқдан фойдаланиш мумкин бўлган ишларни (ертўла, кириш йўлакларини таъмирлашни) режалаштирмаган. Материалларни мажбурий бадаллар бир қисмини ҳисобига олиш учун захирага қабул қилиб, ХУМШ ушбу йилда мулкдорнинг, айтайлик, муҳандислик коммуникацияларининг режалаштирилган таъмирига мўлжалланган бадаллари миқдорини камайтиради. Ушбу ёки бошқа режали ишни бажариш хавф остида қолиши мумкин, чунки унга маблағлар етишмайди, зеро бунинг учун мўлжалланган пулларнинг бир қисми мулкдор топширган материалларни ҳисобга олишга сарфланган, улар эса, камида бир йилдан кейин керак бўлади.

Қонунда назарда тутилган «айрим ҳоллар» деганда қандай ҳоллар назарда тутилади? Айтайлик, ширкатда 40 киши бор, улардан 10 нафари бадаллар бир қисмини алмаштиришни сўраб, бирор-бир ишларни бажариш учун материаллар ёки хизматларни таклиф қилади. Равшанки, ширкат уларга ижобий жавоб бера олмайди. Агар **сўз фавқулодда, алоҳида, бир марталик ҳоллар тўғрисида борса**, бунда бир нечта мезонлардан келиб чиқмоқ лозим. Биринчидан, таклиф қилинаётган «умумий харажатларда иштирок этишнинг бошқа турлари» аввало уларнинг ширкатга фойдалилиги ва зарурлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Масалан, мулкдор жорий йилда режалаштирилган таъмирлаш ишларида фойдаланиш мумкин бўлган, яхши сифатли ёки бозор ёхуд дўкондагидан арзонроқ нархда материалларни таклиф қилади. Иккинчи жиҳат – мулкдорга якка тартибда ёндашиш. Айтайлик, у ногирон, кам таъминланган оила, пенсионер, вақтинчалик қийинчиликларни бошидан кечираётган оила, ёш болали ёлғиз аёл бўлиши мумкин. «Умид умиди» ширкатида иккинчи гуруҳ ногирони бўлган мулкдорда онасининг касаллиги боис моддий қийинчиликлар вужудга келган. Вазият «алоҳида ҳолат» учун мос келади. Бироқ бу ҳол ҳам ширкатга керак бўлмаган моддий бойликлар ёки хизматларни ҳисобга қабул қилишни оқламайди.



## СМЕТА ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚМАСДАН

**Умумий йиғилишнинг қарорига асосан бошқарув** ХУМШ бўёқни қабул қилиши ёки қилмаслигини аниқлаши зарур бўлган **бошқарув мажлиси баённомасини тайёрлаши ва мулкдорга унинг нусхасини топшириши керак.** «Умид умиди» бошқаруви шундай қилмаган, амалда бу масалани ҳал қилишни тўққиз ойга чўзиб, ихтилоф туғдирган.

Умумий йиғилиш, агар унинг умумий харажатларда иштирок этишининг бошқа турлари ҳам ҳисобга олинса, **мулкдорни** пул эквивалентида **мажбурий бадаллар**

Дарвоқе

## ТЎЛОВДАН ҚОЧСАНГ – КВАРТИРАДАН МАҲРУМ БЎЛАСАН

*Европа қитъасидаги баъзи мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш борасидаги мажбуриятларни бузаётган квартира эгаларига нисбатан жуда қаттиқ жавобгарлик белгиланмоқда. Масалан, Эстонияда бу борадаги тўловни тўламаётган кишилар ўз квартирасидан маҳрум этилиши ҳам мумкин. «Квартира мулки тўғрисида»ги қонунга биноан бошқа квартира эгалари қуйидаги ҳолларда муайян мулкдор квартирасини унинг тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги талаб тақдим этиши мумкин:*

*– агар у ўзига қарашли жой ва умумий мол-мулкни сақлаш борасидаги мажбуриятларни бажаришдан бир неча марта бўйин товлаган бўлса;*

*– умумий мол-мулкни сақлаш ҳақини у уч ойдан ҳам ортиқ вақт мобайнида кечиктирган ва шунинг оқибатида ширкат хўжалик харажатлари бўйича олти ойлик қарз бўлиб қолган бўлса;*

*– у ўз фаолияти билан бошқа квартира эгалари фойдаланишига жиддий йўсинда монелик келтириб чиқараётган бўлса.*

*Умумий мол-мулкни сақлаш мажбуриятларини бузган мулкдор квартирасини унинг тасарруфидан чиқариш ҳақидаги қарор камида битта квартира мулкдори ёки ширкат бошқарувчиси тақдим этган даъво асосида суд томонидан чиқарилади.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

бир қисмини киритишдан қанча муддатга озод қилиш кераклигини ҳам ҳал қилиши керак. Уни 2-3 йилга озод қилиш ширкатга фойдасиз – зеро хизматлар ва материаллар нархлари, бунинг устига мажбурий бадаллар ҳам ошиб боряпти. Рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштираётганда «жорий нархларни ҳисобга олганда» деб қайд этиш мумкин, буни ҳам умумий йиғилиш тасдиқлаши керак. Бироқ киритилган материаллар қийматини уларнинг қимматлашишига қараб мунтазам қайта ҳисоблаб чиқиш ўринсиз. Бунинг устига у мулкдорлар ва ширкат раҳбарлари ўртасида келишмовчиликларни юзага келтириши мумкин. Қисман озод қилиш режалаштирилган ишлар ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланган муддатдан (12 ой) ошмаслиги керак.

Ўттизинчи моддадан фойдаланиш чоғида сўз **пул шаклидаги мажбурий бадаллар бир қисмини (жорий йилга режалаштирилган ва сметада ҳисобланган ишларни бажариш учун мўлжалланган) материаллар ёки хизматлар шаклида уларнинг эквивалентига алмаштириш** тўғрисида бориши керак. Яъни мулкдор томонидан берилган материаллар қиймати ёки у бажарган хизматлар харажатлари ҳеч ҳам ушбу сметада назарда тутилган қийматдан ошмаслиги керак. Айтайлик, ширкат режасида томни таъмирлаш белгиланган. Бир нечта мулкдор ширкатнинг қачон қўли етишини кутиб ўтирмай, ишни ўз кучлари билан бажаришга қарор қилди. Улар ХУМШга мурожаат қилиб, бадаллар бир қисмини таъмирлашдан кейин қайта ҳисоб-китоб қилишга бошқарувнинг розилигини олишди, бироқ томни таъмирлашга қилган харажатлари смета доирасидан четга чиқмаслиги керак эди. Мулкдорлар раис (ижрочи директор) билан маслаҳатлашиб, зарур материалларни сотиб олишди ва усталарни ёллашди, улар эса ишни бажаришди. Бунда томни таъмирлаш харажатлари ҳажми ширкат режалаштирганидан 40 минг сўмга ошиб кетди. Ушбу ортиқча харажат мулкдорларнинг ҳомийлик ёрдами бўлади: ширкат уларга харажатлар ушбу қисмини компенсациялаш имкониятига эга эмас, акс ҳолда бирор-бир режали ишлар бажарилмай қолиши мумкин.

## СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАН

Бошқарув ва мулкдор **мулкдорнинг маблағлари ҳисобига бажарилган ишларга кафолат муддатини келишиб олишлари** керак. Айтайлик, ширкат аъзоси томни таъмирлади, унинг харажатлари 70 минг сўмни ташкил қилди. 6 ой мобайнида унинг учун қайта ҳисоб-китоб тўлиқ қилиб берилди, 7 ойдан кейин эса ёмғир ёғиб, томдан яна чакка ўта бошлади. Агар бошқарув баённомасида бажарилган ишга кафолат муддати белгиланмаган бўлса, ширкат пуллари ҳавога совурилган бўлади, томни таъмирлаш муаммоси эса ҳал бўлмайди. ХУМШ хизматни бошқарувчи компанияга буюртирса, шартномада у кафолат муддатини белгилайди. Ана шу шарт 30-моддага мувофиқ бажарилган ишларга ҳам татбиқ этилиши керак. Агар мулкдор пул тежаш ниятида қўл учида ишлайдиганларни ёлласа, сифат кафолати тўғрисида сўзламаса ҳам бўлади. Бу ҳолда ширкат қайта ҳисоб-китоб қилишдан асосли равишда воз кечиши мумкин.

Мулкдор мажбурий бадаллар бир қисми ўрнига ҳисобга олиш учун таклиф қилаётган материаллар ёки хизматлар ҳажми, нархини қандай белгилаш мумкин? Дўконда харид қилинган материаллар билан муаммо юзага келмайди – у ердан касса чекини талаб қилиш ва уни ХУМШ бошқарувига тақдим этиш лозим. Бозордан харид қилганда ҳам ҳозир чек олиш мумкин. Бироқ агар мулкдор материални нархни тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз таклиф қилса, мазкур пайтда шаклланган нархлардан келиб чиқиб баённома тузиш лозим. Мулкдор худди шундай материаллар билан савдо қилувчи бир нечта фирма, дўконга қўнғироқ қилиб, улар бозорда қанча туришини аниқлаши ва ушбу ахборотни аризада қайд этиши мумкин. Бошқарув мазкур даврдаги нархлар мониторингини ўтказиш ва ХУМШ учун энг мақбулини танлаш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Иккала тараф ягона фикрга келиши ва уни баённомада қайд этиши керак. Агар тарафлар ушбу жиҳатларни ҳисобга олганларида, «Умид умиди» ширкатида иш ихтилофгача бормаган бўлар эди. Ушбу ХУМШ мулкдори бўёқни бир килограмм учун 3 500 сўм нархида таклиф қилган, айни вақтда бошқарув худди шундай товар бозорда 2 300 сўм туради деб қатъий туриб олган. Нархлар бўйича баённома тузилмаган.

Материални ишлаб чиқарувчининг ўровисиз харид қилганда, ҳар доим сифатсиз товарга дуч келиш мумкин. Эҳтимол, мазкур ҳолда ширкат ходимлари сифатни сиртидан аниқлашлари, бироқ буни баённомада қайд этишлари керакдир.

Нархни белгилагач, бухгалтер қайта ҳисоб-китобни амалга оширади. Масалан, мулкдор 50 минг сўмлик иш бажарган. Айтайлик, умумий мулкни тутиб турушга мажбурий ойлик бадал 10 минг сўмни ташкил қилади. Умумий йиғилиш қайта ҳисоб-китобнинг энг юқори муддатини 12 ойдан ошмайди деб белгилади дейлик. 50 минг сўмни режали иш сифатида ҳисобга олиш зарур. Ички далолатномалар билан мулкдор томонидан мажбурий бадаллар бир қисми ҳисобига берилган ана шу бўёқни моддий ҳисоботда «кирим» сифатида кўрсатиб, уни сумма ва моддий ифодада баҳолаш, сўнгра техник ҳисоботда «чиқим» сифатида кўрсатиш керак. Яъни мулкдорларнинг умумий мулкни тутиб туриш умумий харажатларида иштирок этиши бошқа турларини бухгалтерия ҳужжатларида пул шаклида акс эттириш лозим. Агар улар бажарилган иш сифатида ҳисобга олинмаса, ширкатда дебиторлик қарзи юзага келади. Масалан, ХУМШга режали ойлик ҳисобланмалар 1 млн сўмни ташкил қилади. Агар 30 минг сўм учун мулкдорларга расшифровкасиз қайта ҳисоб-китоб қилинган бўлса, ҳужжатлар бўйича бу қарз сифатида кўзга ташланади.

**МУЛКДОР МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ УНИНГ УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ БОШҚА ТУРЛАРИГА АЛМАШТИРГАНДА ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ КЕТМА-КЕТЛИГИ**

*1. Ширкат уставига Қонуннинг 30-моддасини қўллаш мумкинлигини назарда тутадиган банд киритилади.*

*2. Умумий йиғилиш томонидан ҳар йилги ҳисоблаб ёзишларнинг қандай қисмини ва қайси муддатга умумий харажатларда иштирок этишнинг бошқа турлари билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Ҳар бир аниқ ҳолни кўриб чиқиш ваколатлари бошқарувга топширилади.*

*3. Бошқарув умумий йиғилиш қарорининг баённомасини расмийлаштиради.*

*4. Мулкдор бошқарувга мажбурий бадаллар бир қисмини материаллар ёки ишларга алмаштириш мумкинлигини кўриб чиқиш илтимоси билан ёзма равишда мурожаат қилади.*

*5. Бошқарув мулкдор таклифининг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади. Қарор баённома билан расмийлаштирилади ва мулкдор эътиборига етказилади. Ижобий қарор қабул қилинганида бошқарув баённомада қайта ҳисоб-китоб қилиш муддати ва суммасини акс эттиради, материаллар ёки хизматларга кафолат муддатини қайд этади, уларнинг сифати, ҳажми, нархи, қайта ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилайди.*

*6. Материаллар топширилганида далолатнома тузилади, унга чеклар ёки уларга доир квитанциялар ёхуд жорий нархлар тўғрисида ахборот берилган сўров варақлари илова қилинади.*

*7. Топширилаётган бойликлар қийматини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бошқарув худди шундай материаллар нархлари мониторингини ўтказади.*

*8. Бухгалтер қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

# УЙ УСТИДАГИ «ТАРЕЛКА»,

## ЁКИ ХУМШ БИЛАН КАБЕЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

***Амалдаги кўпчилик ХУМШлар кабель телевидениеси хизматларини тақдим этадиган компаниялар билан муносабатларни тартибга солиш масалаларига дуч келадилар. Асосий муаммо кабель ўтказадиган усталар иши ёки компаниянинг ХУМШ билан шартнома тузишдан бош тортиши билан боғлиқ. Биринчи ҳолда усталар кўпинча том қопламасини бузадилар, натижада квартираларга чакка ўтиб, фуқаролар норозилигига сабабчи бўлади. Иккинчи ҳолда компаниялар раҳбарияти бундай шартномани имзолашни мажбурий эмас деб билади.***

***Шубҳасиз, ХУМШ иши ва кабель телевидениесининг хизматлари бир-бирига зид келмаслиги керак. ХУМШ аъзоси ва айни вақтда абонент бўлган уй-жой мулкдори ҳам ХУМШ ва компания ўртасидаги зиддиятдан азият чекмаслиги лозим. У ХУМШнинг ҳам, компаниянинг ҳам хизматларидан фойдаланишни ва истеъмолчи сифатида қаноатланишни истайди. Шу боис ҳам мазкур масалаларни тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий модели мавжуд. Бу ҳақда мазкур мақолада сўз боради.***



Кабель телевидениеси хизматларини тақдим этадиган компаниялар алоқа ва телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида *«кабель, эфир-кабель телевидениеси тармоқларининг операторлари ва провайдерлари»* деб номланадилар. Уларнинг мақомларида фарқ мавжуд: оператор кабель, эфир-кабель телевидениеси тармоғига эгалик қилади, унинг фаолиятини таъминлайди ва кабель, эфир-кабель телевидениеси хизматларини кўрсатади, провайдер эса фақат абонентларга оператор тармоғи орқали ушбу хизматларни кўрсатади.

Бироқ мулкдор учун ушбу фарқ ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. ХУМШ учун у ким билан шартнома тузиши кераклигини билиш (башарти оператор ва провайдер мустақил юридик ёки жисмоний шахслар бўлишса) нуқтаи назаридан муҳим. Умуман олганда контрагентни лозим даражада тушуниш ширкатдаги аниқ вазиятга боғлиқ, бироқ бу, такрорлайман, – муаммо эмас.

Мақолада операторлар ва провайдерларни умумлаштириб компания деб номлаймиз.

Қисқаси, компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига* мувофиқ амалга ошириши шарт.

Ушбу умумий таъриф, шубҳасиз, унинг раҳбариятидан уй-жой-коммунал хўжалик қонунларининг меъёрларига риоя қилишни талаб этади. Компаниялар вакилларидан баъзан эшитиб қолинадиган «биз фақат ҳукумат қарорлари ёки ЎзААА ҳужжатларига амал қилишимиз керак» қабилидаги важлар танқид қилишга ҳам арзимайди...

Компания нафақат абонентга кабель, эфир-кабель телевидениеси хизматлари тақдим этилишини таъминлаши, балки абонент шахсий ҳисобварағи тўғрисида ахборот тақдим этиши, унга техник хизмат кўрсатиши ҳам шарт. У Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Вақтинчалик низом 17-бандининг ушбу меъёри компания ХУМШ ҳуқуқий режимидан мустақил бўлмай, эфир-кабель телевидениеси хизматларини кўрсатаркан, у айни вақтда ХУМШ билан шартнома тузиши шартлигини яна бир марта таъкидлайди.

Нафақат «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун *(бундан кейин – Қонун)* қоидалари, балки ҳукумат қарорлари ҳам ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, Қонуннинг 15-моддасига кўра ширкат ўзининг умумий мол-мулки, ер участкаси ва мол-мулкидан *(бундан кейин – мол-мулк)* фойдаланиш қоидаларини белгилашга ҳақлидир. Тасдиқланган Уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва меъёрлари *(АВ томонидан 1999 йил 1 февралда 616-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар)* ушбу мол-мулкдан умумий йиғилишнинг батафсил қарори қабул қилинган (муддати, қиймати, фойдаланиш жойи, шартнома муддатини узайтириш тартиби ва ҳоказо) ва ХУМШ билан аниқ фойдаланувчига, мол-мулк ва фойдаланиш характери хусусиятларига татбиқан шартнома тузишдан кей-

**Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақтинчалик низом (ЎзМАА ва ЎзАААнинг АВ томонидан 2004 йил 30 октябрда 1420-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Вақтинчалик низом).*

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

> *12. Кабель, эфир-кабель телевидениеси тармоғининг провайдери кабель, эфир-кабель телевидениеси тармоғининг (уйдаги тақсимлаш тармоқларига киришдан пировард фойдаланувчининг қабул қилиш ускунасигача, яъни уй ичидаги ва квартира ичидаги тармоқлар) ишлаши, ривожланиши ва унга хизмат кўрсатишни таъминлаш фаолияти билан шуғулланади.*
>
> **Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақтинчалик низом (кўчирма).**

ингина фойдаланишга йўл қўяди. Шартнома хусусиятидан (харид қилиш, сотиш, топшириш, айирбошлаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва ҳоказо) келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ваколатли шахс билан тузилган шартнома мол-мулкдан қонуний фойдаланиш асоси бўлиб ҳисобланади.

Қонуннинг 28-моддаси умумий мол-мулкка таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чордоқлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари ва ҳоказоларни киритганлигини унутмаслик керак. Қоидаларнинг 33.3-бандига кўра эса кабель телевидениеси тармоқлари лицензияга эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар томонидан, ХУМШ умумий йиғилишининг қарорида ифодаланадиган **уй-жой фонди мулкдорларининг рухсати билан** ўтказилади. Ижрочи орган ушбу қарорга амал қилиши ва уни лозим даражада амалга оширишга эришиши шарт.

Шу муносабат билан юқорида тилга олинган яна бир муҳим меъёрий ҳужжат – Уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига эътибор қаратмаслик мумкин эмас, унда ҳам кабель телевидениеси тармоқлари уй-жой фонди мулкдорларининг рухсати билан ўтказилиши белгиланган. Кейинроқ унда қайд этилишича, «**кабель телевидениеси тармоқларини ўтказиш давомида том, қопламалар элементлари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида** умумий фойдаланишдаги телевизион антенналар тармоқларини ўтказиш учун мавжуд каналлардан энг кўп фойдаланиш зарур» *(33.5-банд).* Шу тариқа, қонунчилик айни кабель, эфир-кабель телевидениеси хизматларини кўрсатиш муносабати билан том қопламаси бузилиши муаммоси борлигини ҳисобга олади ва компанияларни бу ҳақда алоҳида огоҳлантиради. Агар том, тўсиқлар ва деворларда кабеллар учун тешиклар ўйилса, уларнинг ҳаммаси конструкцияларнинг яхлитлиги ва сув ўтказмаслигини таъминлаш учун суваб қўйилиши керак.

Шу тариқа, ХУМШ ва компаниялар ўртасидаги муносабатлар модели нафақат идоравий ҳужжатларга, балки Фуқаролик кодекси ҳамда «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан қурилади.

***Леонид ХВАН,***
***адвокат, юридик фанлар номзоди.***

**Таҳририятдан:** муаллиф хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг долзарб муаммолари бўйича яна бир қатор материалларни чоп этиш учун тайёрлаган. Улар «Биз яшайдиган уй» нашрининг кейинги сонларида чоп этилади.

# ОМИЛКОРЛАР ЁНМА-ЁН ИШЛАГАНДА

***Қўқон уй-жой хизматлари бозорида 8 та профессионал бошқарувчи ташкилот фаолият юритяпти. Агар уларнинг ҳаммаси ўзларини соғлом рақобатда фаол намоён этаётганликларини ҳисобга олсак, бу уй-жой фонди 595 та кўп хонадонли уйни ташкил қиладиган кичик шаҳар учун ёмон эмас. Бу ерда фаолият юритаётган 205 ХУМШдан 155 таси бир уйли ширкатлардир. Бир неча йил аввал шаҳарда бир уйли ва кичик ширкатларни ташкил этиш ғоятда авж олган эди. Улар кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича профессионал ташкилотлар билан биргаликда барпо этилди. Бошқарув усули тўғрисида, кўпинча бошқарувчи ташкилот (БТ) фойдасига қарор қабул қилишда мулкдорларга шаҳар ХУМШ уюшмаси ва бошқарувчи ташкилотларнинг ўзлари ёрдам бердилар. Дастлабки пайтда аҳолининг ўзи хабардор эмаслиги, сусткашлиги туфайли бошқариш усулини танлашга тайёр эмас эди. Баъзилар эса янги тузилмаларга ишонмас эди. Айни ўшанда ушбу хизматлар бозорида 2007 йилда тузилган «Ҳунарманд – Муқимий» МЧЖ пайдо бўлди, у ҳозир 60 та кўп хонадонли уйни ўз васийлигига олган.***

## ҒОЯНИНГ ТУҒИЛИШИ

Кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи БТ ташкил этишни собиқ ҳарбий **Музаффар Саидовга** шаҳар ХУМШ уюшмасида маслаҳат беришди. Аниқроғи, ҳаётнинг ўзи шундай қарорга келишни тақозо этди. БТ Муқимий даҳасида – асосан кўп хонадонли уй-жойлар жамланган собиқ Кимёчилар шаҳарчасида жойлашган. Музаффар аканинг айтишича, унинг ўзи яшайдиган кўп қаватли уй илгари 40 уйни бирлаштирган ширкатга кирган. Уйларнинг деярли ҳаммаси ёмон техник ҳолатда бўлиб, таъмир талаб эди. Бироқ бундай улкан ҳамжамиятда таъмирлашни кутиш беҳуда вақт кетказиш билан баробардир. Музаффар Саидов – ғайратли, фаол, уйдаги воқеаларга лоқайд қараб тура олмайдиган киши бўлиб, турли идораларга мурожаат қилди, илож йўлларини излади. Ширкатлар оптимал ва кичик ширкатларга бўлина бориб, дастлабки пайтда ким нимага қодирлигига қараб ишлади – зеро кўп раисларда уй-жойларни тутиб туриш тажрибаси йўқ эди. Ана шунда ушбу даҳада уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш функцияларини бирлаштириши керак бўлган БТ ташкил этиш зарурати туғилди.

## БОЗОРГА МОСЛАШИШ ОСОН КЕЧМАДИ

Аввало энг зарур нарсалар: пайвандлаш аппарати, баъзи бир асбоблар харид қилинди. Моддий-техника базасини яратиш даврида барча буюртмаларни ўзлари бажара олмадилар – пудрат ёки ихтисослашган ташкилотларни изладилар. Дастлабки паллада барча иш ҳам режалаштирилганидек амалга ошмади. Ишни ресурсларни тежашдан: газ ҳисоблагичлари ва сув ўлчагичларини ўрнатишдан бошлашди. Фуқароларнинг ҳаммаси ҳам ушбу ишнинг аҳамиятини тушунавермас эди. Улар коммунал хизматларга норматившлар бўйича эмас, балки уларни сарфлаш далили бўйича ҳақ тўлаганда қандай манфаат кўришларини тушунтиришга тўғри келди, бунда бир ярим-икки баравар кам ҳақ тўланиши равшан эди. Бироқ кишилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмади. Бир томондан, янги тузилмага ишончсизлик ҳис этиларди, бошқа томондан эса – мавзеда асосан кам даромадли кишилар яшардилар. Шу сабабли дастлабки паллада БТ зарар кўриб ишлади – кўп ишлар кредитга бажарилди, баъзан деярли ҳақ олинмасди, ҳақни материаллар билан тўлашга рози бўлишга тўғри келарди.

Кўпинча вазият тижорат тузилмаси ХУМШ тимсолидаги буюртмачилар билан ҳамкорлигига асос бўлиши керак бўлган бозор муносабатлари қоидаларига ҳеч ҳам мувофиқ келмаган. Шартнома тузилганидан кейин улар хизмат учун ҳақ тўлай олмасликлари аниқланган. Кишилар: «Аввал ишни бажаринг,

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

биз кўрайлик», – дейишарди. «Аввал пул, кейин иш» қоидаси ишламади. Албатта, бу хатарли бўлса ҳам мулкдорларнинг ишончини қозониш, мижозлар орттириш керак бўлгани боис БТ уларнинг шартларига кўнди. Мулкдорлар ҳам иш сифатли ва ўз муддатида бажарилаётганлигини кўриб, ҳақ тўлай бошлашди.

### КВАРТИРАМ КАЛИТИНИ ОЛИНГ

2007 йилда Муқимий даҳасида кўп қаватли уй-жойларни капитал таъмирлаш бошланди. Бир нечта фирма уни ўтказиш ҳуқуқини олди. Бироқ ишни бошлаб, зарар кўра бошлашди, ишлар ҳажмини мустақил уддалай олмай қолишди. Ёрдам сўраб «Ҳунарманд – Муқимий»га мурожаат қилишди.

– Бу, бизнинг зафар қозонган палламиз бўлди, зеро ўзимизни намоён этиб, ана шундай ҳажмдаги ишларни бажара олишимизни кўрсатдик, – деб давом этади Музаффар ака. – Тонгни тонгга улаб ишлашга тўғри келди. Фуқаролар билан яхши муносабатлар ўрнатдик. Улар бизга шу қадар ишониб қолишдики, ишга ёки зарурат тақозоси билан кетганларида ўз квартираларининг калитларини бизга қолдиришарди. Ушбу объект бошқарувчи ташкилотимиз дастлабки фойда олишини таъминлади.

Ушбу тажриба эгаллангач, «Ҳунарманд – Муқимий» 2008 йилда 1991 йилгача қурилган икки уйда капитал таъмирлаш учун тендерда иштирок этди ва бошқа даъвогарлар билан жиддий рақобатда ғолиб чиқди. Ушбу уйларнинг мулкдорлари бошқарувчи компанияни қўллаб-қувватлашди. Керак жойда иш ва сўзлари, баъзида иштироклари ва яхши муносабатлари билан ёрдам бердилар. Натижада таъмирлаш ишлари муддатидан аввал ва юқори сифат билан бажарилди. Уни ўтказишга шаҳар ХУМШ уюшмаси ҳам катта кўмак берди.

Аста-секин «Ҳунарманд – Муқимий» ишончли ташкилот деган ном чиқарди. У билан бошқа фирмалар ёрдамчи пудратчи сифатида таъмирлаш ишларини бажаришга шартномалар туза бошлашди. Шу тариқа унинг фаолияти асосий йўналиши сифатида таъмирлаш-қурилиш ишлари белгиланди.

### ХИЗМАТ БУЮРТИРГАНГА – ЯХШИ МАСЛАҲАТ

2009 йилда БТ йирик қурилиш ташкилотлари (улар 20 дан ортиқ) билан бир қаторда тендерда иштирок этиб, 4 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишларини ўтказиш ҳуқуқини ютиб олди. Пудратчини танлашда уйларни капитал таъмирлаш дастурига киритилган ширкатлар ҳам иштирок этишди. Улар ўзини ижобий томондан намоён этган ўз БТларини қўллаб-қувватлашга тайёрлар.

Бугунги кунда у Муқимий даҳасидаги 60 уйни бирлаштирган 15 ХУМШга шартномалар бўйича хизмат кўрсатяпти, фуқароларга ички квартира ишлари бўйича хизматлар кўрсатмоқда. Уларнинг хизматлари рўйхатига жорий хизмат кўрсатиш, авария-диспетчерлик хизмати фаолияти, ҳудудни ободонлаштириш киради. Бироқ энг асосийси – қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш. Бошқаришга келсак, Музаффар Саидовнинг айтишича, ҳозирча ушбу хизматлар амалда талаб қилинмаяпти ва кишилар улар учун ҳақ тўлашга тайёр эмаслар.

– Биз бошқариш хизматлари барча ишларга асос яратишини тушунтиряпмиз, – дейди у. – Кишилар эртами-кечми, албатта бошқарувнинг муҳимлигини тушуниб етадилар. Ҳозирча баъзи бошқариш хизматларини буюртмачиларга бепул кўрсатяпмиз: ишлар режасини қандай қилиб тузиш, даромад ва харажатлар сметасини тайёрлаш, тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш ва ҳоказолар бобида маслаҳатлар берамиз. Бизнинг ўзимиз бу борада ҳаммаси тартибли бўлишидан манфаатдормиз. Зеро худди шу ишлар режаси, смета, тўловлар миқдори ўзимиз учун ҳам бошланғич асос ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларни қандай тайёрласанг, уларга нималарни киритсанг, ўшани оласан. Аста-секин ширкатларни келгусида ушбу хизматлар учун ҳақ тўлашларига тўғри келишига тайёрлаяпмиз. Биз таъмирлаш ишларига ихтисослашганлигимиз боис ширкатларга бюджет маблағларини жалб этган ҳолда капитал таъмирлаш дастурига киритиш учун ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришда ёрдам беряпмиз. Олдиндан йиғилишларда фуқароларга 30 фоизлик ажратмалар тўлаш зарурлигини тушунтиряпмиз, бу уйни давлат дастурига киритиш шартларидан биридир.

### БИЗНЕС ЖАВОБГАРЛИК ҲАМ ДЕМАКДИР

«Ҳунарманд – Муқимий» ўз моддий-техник базасига эгадир. Унинг штатида 13 киши бор. Ишларнинг катта қисмини ўз кучлари билан бажарадилар. Меҳнат шартномаси бўйича том ёпувчиларни, ички уй муҳандислик коммуникацияларини алмаштирилганда эса махсус аппаратурали пластик қувурларни монтаж қилувчи мутахассисларни жалб этадилар. Жорий йилда ушбу мутахассисларни ўз штатларига олмоқчи бўляптилар. Зарурат бўлганда перфораторчиларни, қимматбаҳо кафель билан ишлайдиган кафель терувчиларни, бошқа мутахассисларни таклиф қиладилар.

Хизматларга тарифларни компания жорий нархлардан келиб чиқиб шакллантиради. Бироқ Музаффар Саидов шундай дейди: «Агар уйда иш ҳақини тўлашлари оғир бўлган пенсионерлар ёки кам даромадли кишилар кўплигини кўрсак, уни кредитга бажарамиз ёки нархни пасайтирамиз, бирор-бир майда ишни бепул бажарамиз. Албатта, биз фойда олишни кўзлайдиган тижорат тузилмаси ҳисобланамиз. Бироқ бизнесимиз зиммамизга уйлар янада яхшироқ, фаровонроқ бўлиши учун олинган мажбурият ҳамдир». 10 кунда бир марта бошқарувчи юзага келган муаммоларни муҳокама қилиш, қилинган иш учун ҳисобот бериш мақсадида хизматлар буюртмачиси – ХУМШ раислари билан учрашади.

### ФУҚАРОЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Баъзан бошқарувчи ташкилот фаолияти асосий йўналишига хос бўлмаган масалаларни ҳал этишига тўғри келади. Бошланишида маҳалла қўмитаси билан муносабат юришмади. Унинг раиси амалий мулоқот ва ҳамкорлик ўрнига БТни ХУМШ билан уриштириб қўйишга уринди. Бу ҳол уларнинг ишига халал бера бошлади. Ана шунда ширкатларнинг фаоллари бошқарувчи ташкилотда тўпланиб, муаммони муҳокама қилдилар, маҳалла қўмитаси раисини янгидан сайлашни таклиф қилиб, обрўли кишининг номзодини кўрсатдилар. Шаҳар ХУМШ уюшмаси уни шаҳар ҳокимлигида илгари суришда ёрдам берди. Фуқаролар йиғинида уларнинг номзоди бир овоздан сайланди. Эндиликда маҳалла қўмитаси ХУМШ билан ҳам, бошқарувчи ташкилот билан ҳам чамбарчас алоқада ишлаяпти. Унинг мажлисида БТга офис учун хона ва 5 млн сўм кредит ажратишга қарор қабул қилинди.

Эндиликда офисга эга бўлган бошқарувчи ташкилот ХУМШ раҳбарлари ҳамда мулкдорлар билан тез-тез мулоқотда бўлиши мумкин. «Ҳунарманд – Муқимий» «Аллома – Қўқон» ХУМШнинг мавзеда Мустақиллик куни шарафига ҳар йилги футбол матчини таъсис этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. БТ «Энг яхши уй», «Энг яхши ХУМШ», «ХУМШнинг энг яхши раиси» танловларини ўтказишни режалаштиряпти.

Қўқонликлар ёғоч эшик ва ромлар ўрнатишни хуш кўришади. БТ ҳам келгусида уларни ишлаб чиқариш цехини ташкил қилиш, буюртмачиларга арзонроққа тушадиган янада сифатлироқ буюмлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ниятида. БТ хизмат кўрсатадиган кўпгина уйларда иситиш муаммоси мавжуд. «Ҳунарманд – Муқимий» уларни кичик қозонхоналар ёрдамида ҳал қилиш имкониятини ишлаб чиқмоқда.

БТ хизматларига буюртма берувчи ширкатларнинг аъзолари уйларининг ҳолати анча яхшиланганлигини тасдиқлашмоқда. Кириш йўлакларига ёғоч эшиклар ўрнатилди, кўп қаватли уйларнинг анчасида канализация алмаштирилди, ертўлалар таъмирланди, иссиқ сув, совуқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш тармоқлари алмаштирилди, томлар таъмирланди, ҳудуд ободонлаштирилди. Квартираларда коммунал хизматлар истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилди.

– БТ яхши ишлаши учун бўлғуси мижозлар – ХУМШларнинг ишончини қозониш керак, – деб ҳисоблайди «Ҳунарманд – Муқимий» МЧЖ раҳбари Музаффар Саидов. – Бунинг учун компания нуқсонсиз обрў-эътиборга эга бўлиши, баъзан ўз манфаатларини бир четга суриб, аввало фуқароларнинг манфаатлари тўғрисида ўйлаши керак.

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

## Расмий жавоб

# ҲИСОБЛАГИЧЧЛАРНИ ТЕКШИРИШ

***Текширувчи ташкилотларнинг вакиллари уйларида ҳисоб асбоблари ўрнатилган истеъмолчилардан, ушбу асбоблар зарур тестлашдан ўтказилмаганлигини рўкач қилиб, ўртача тариф бўйича ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эгамилар? Бундай тестлашни ким ва қандай муддатларда ўтказиши керак?***

***Жуманиёз Эгамбердиев.***
***Хива.***

**«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари С.ҚУРБОНОВ жавоб беради:**

– «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган ўлчов воситаларининг номенклатура рўйхатига кўра, «Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ* маиший газ ҳисоблагичлари мажбурий тартибда тўрт йилда бир марта текширувдан ўтказилиши керак. Газ ҳисоблагичларининг давлат текширувини тегишли лицензияга ва «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга бўлган жойлардаги ихтисослашган лабораториялар амалга оширадилар.

Ҳисоблагич текширув учун олинганида газ билан таъминлаш ташкилоти табиий газ учун ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив-лар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Газ етказиб бериш қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

***«Народное слово»нинг 2009 йил 21 майдаги 102 (4734)-сони.***

**Таҳририятдан: «Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 28 декабрдаги 1004-XII-сон) 14-моддасига мувофиқ давлат метрология текшируви ва назорати барча ўлчов воситаларининг давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказишга татбиқ этилади.*

## Мавзуга қайтиб:

# «УЙ ПЕШТОҚИДАГИ РЕКЛАМА... ШИРКАТНИ БОЙИТСИН»

***«Уй пештоқидаги реклама... ширкатни бойитсин» мақоласида** («Норма маслаҳатчи», 23-сон, 2009 йил 1 июнь) **бошланган мавзуни давом эттириб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги реклама-ахборот фаолияти комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган «Toshkent Reklama-Servis» давлат унитар корхонаси, мақола муаллифининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда газета саҳифаларида муҳокама қилинаётган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини билдиришни хоҳлар эди.***

**Эслатиб ўтамиз, мақола муаллифи ўзи яшаётган кўп хонадонли уйнинг ён қисмида унда яшовчиларнинг рухсатисиз реклама конструкцияси пайдо бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилган эди.** Муаммо эса, муаллифнинг хулосасига кўра, шундан иборат эдики, реклама тарқатувчи «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун талабларини бажармаган ва бу билан унинг аъзолари – уй-жой мулкдорлари ҳамда ХУМШ ҳуқуқларини бузган, мулкдорлар ва ХУМШ эса, хусусан, ширкат бошқарувида бўлган бинонинг айрим конструкцияларида рекламани жойлаштиришдан даромад олиш имкониятидан фойдаланмайдилар.



**Муаллифнинг ҳисоблашича, мазкур муаммода Тошкентда ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқига ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари билан шуғулланадиган орган сифатида «Toshkent Reklama-Servis» ДАКнинг ишида ҳам камчилик бор. Фикримизча, муаллиф Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштиришга рухсатномалар бериш билан боғлиқ масалаларни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни унчалик тўғри тушунмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 138-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ кўп квартирали уйни бошқариш қуйидаги вариантларни назарда тутади: бевосита турар жойлар мулкдорлари, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулда. Бошқариш усули турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори билан «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда ўрнатилган тартибда белгиланади. Унинг 8-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади. **Яъни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг комиссияси ҳам, унинг ишчи органи ҳам ХУМШнинг мазкур ҳолда реклама тарқатувчи билан икки тарафлама муносабатларига аралашиш ҳуқуқига эга эмас.**

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

Қонуннинг 18, 19-моддаларида ҳам кўрсатилишича, ХУМШнинг олий бошқариш органи ширкат аъзоларининг умумий йиғилишидир, унинг ваколатлари доирасига, бошқа масалалар билан бир қаторда, умумий мол-мулкни ижарага бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш киради. Шу тариқа, ХУМШ бюджетини қандай қилиб тўлдириш; кўп квартирали уйларнинг айрим қисмларидан (деворлар, томлар) қўшимча даромад олиш учун реклама жойлаштиришдан қандай қилиб манфаатлироқ фойдаланиш; мол-мулкни ижарага беришдан, хусусан, тижорат рекламасини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва харажатларни назорат қилиш масалалари қонун билан тартибга солинган ва уларга жавобни ХУМШ фаолияти билан боғланмаган тузилмалардан қидириш мақсадга мувофиқ эмас.

Афсуски, муаллиф ҳал қилинмаган масалаларда «Toshkent Reklama-Servis» ДУКни қисман айблашга уринади, у гўё «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги қонунларни, шунингдек Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш тартибини (*Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 26 декабрдаги 1148-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Тартиб*) бузаётган экан. **ДУК, унинг фикрича, реклама берувчилардан аризалар қабул қилиш босқичида реклама берувчилардан уй-жой мулкдорларининг реклама воситаларини бинонинг деворлари ва томларида жойлаштиришга розилиги тўғрисида баённома қарорини ҳамда ХУМШ билан реклама берувчи ўртасидаги шартномани талаб қилиб олиш йўли билан рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштириш таомилини бузишни бартараф этишга мажбур. Бироқ, муаллифнинг тасдиқлашича, ХУМШ директори ёзма розилик берган ва келишув бланкаси кўринишидаги сўровни имзолаган, унда икки тарафлама шартнома тузиш мумкинлиги ва уй-жой мулкдорлари умумий йиғилиши баённомасининг мавжудлиги кўрсатилган.**

**«Toshkent Reklama-Servis» ДУК рухсат бериш ҳужжатларини тайёрлаш ва беришда амалдаги қонун ҳужжатлари унга белгилаб берган барча амалларни қилган деб ҳисоблаймиз. Муаммоли вазият эса, бизнинг тушунишимизча, ХУМШ директори тақдим этилган иккала ҳужжатда, аҳолининг бунга розилигини олмасдан, реклама конструкцияларини ўрнатишга ширкатнинг розилигини тасдиқлаганлиги туфайли вужудга келган.**

«Toshkent Reklama-Servis» ДУК ҳаракатларининг қонунийлигини аниқлаш учун Тартибга мурожаат қиламиз. Унинг 1.1, 1.2-бандларида айтилишича, *Тошкент шаҳрида ташқи реклама воситаларини жойлаштириш устидан раҳбарлик ва назоратни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссияси амалга оширади.*

*Реклама берувчилар билан алоқани амалга ошириш, реклама берувчиларнинг аризаларини ҳисобга олиш, паспортлаштириш ва комиссия муҳокамасига киритиш, Тошкент шаҳрида ташқи реклама воситаларини жойлаштириш ҳуқуқи учун ҳақ ундиришига, ташқи реклама воситаларини жойлаштириш тартибига риоя этилиши устидан мониторингни ташкил этиш Тошкент шаҳри ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссиясининг ишчи органи – «Toshkent Reklama-Servis» давлат унитар корхонаси зиммасига юкланади.*

Яъни унинг зиммасига, «Тошкент шаҳрида реклама фаолиятини тартибга солиш...» эмас, балки комиссияни ташкил этиш ва унинг режали ишлаши учун техник мажбуриятларни бажариш вазифаси юкланган. **Шу тариқа, «Toshkent Reklama-Servis» ДУК функциялари ва ваколатлари аниқ белгиланган ва кенгайтирилиб талқин қилиниши мумкин эмас.**

Сўнгра ўша Тартибнинг 3.1.1-бандида кўрсатилишича, *реклама жойини олиш ва реклама конструкциясини жойлаштириш истагини билдирган реклама тарқатувчи комиссиянинг ишчи органига ариза билан мурожаат қилиши керак. Унга бошқа ҳужжатлар сирасида, зарурат бўлганда, реклама ўрнатилиши режалаштирилаётган бинонинг баланс тутувчиси билан келишув ёки реклама конструкциясини ўрнатиш кўзланаётган ҳудуднинг эгаси билан келишув илова қилиниши керак. Тўлиқ бутланмаган аризалар қараб чиқиш учун қабул қилинмайди, яъни зарур ҳужжатлар мажмуаси тақдим этилмаса «Toshkent Reklama-Servis» давлат унитар корхонаси реклама воситаси ўрнатиладиган реклама жойи паспорти – техник ҳужжатни тайёрлаш ва кейинроқ келишишга киришмайди.*

Реклама берувчи билан баланс тутувчи (бизнинг ҳолатда ХУМШ) ўртасидаги бундай келишув шакли Тартибда белгиланмаганлигига эътиборни қаратамиз. Яъни реклама берувчи, асосийси, эга (баланс тутувчи) унга рекламани бинонинг муайян қисмида (девор, том) жойлаштиришга рухсат берадиган ҳужжатни тақдим этиши керак.

Айни бир жойга ХУМШ тушунарсиз сабабларга кўра бир вақтнинг ўзида бир нечта реклама берувчига розилик берадиган вазиятларга йўл қўймаслик учун, шунингдек реклама воситаларини ўрнатишга аризаларни кўриб чиқишнинг техник таомилини жадаллаштириш мақсадида «Toshkent Reklama-Servis» ДУК икки қисмдан иборат бланка кўринишидаги **сўровни** такроран юборади: биринчи қисмда баланс тутувчи билан келишувни тасдиқлашга **тавсияли** сўров қилинади, иккинчи қисмда – **баланс тутувчининг реклама воситаларини жойлаштиришга розилиги** ёки **ундан бош тортиши тўғрисидаги жавоби** берилади. Кўрсатилган бланкада баланс тутувчи унга бундай розилик бериш ёки ундан бош тортиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатнинг мавжудлигини ҳам тасдиқлайди. **Хусусан, ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатни (устав, умумий йиғилиш баённомаси, ишончнома ва ҳоказо) кўрсатиш зарур бўлган устун мавжуд. Мазкур ҳолда 2008 йил 12 мартдаги келишув бланкасида ХУМШ директори ўз қўли билан «...Уставга асосан...» деб ёзган.**

**Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, келишувга изоҳда ариза берувчининг баланс тутувчи билан муносабатлари амалдаги қонун ҳужжатларига биноан алоҳида икки тарафлама шартнома асосланишини эслатадиган банд мавжуд. Хоҳиши бўлса, ХУМШ ёзма розилик беришга ва уни келишув бланкасида такроран тасдиқлашга қадар, тасдиқномани имзоламасдан, сўнгра реклама воситасини монтаж қилишга рухсат бермасдан (зеро томга чиқиш йўли калитлари ХУМШ вакиллари ёки мулкдорларда бўлади), аввало шартнома, келишув ёки шартнома тузишга тарафларнинг ният баённомаси ва ҳоказоларни тузишни талаб қилишга тўла ҳуқуққа эгадир.**

Албатта, алоҳида хат билан сўров юбориш ва жавоб олиш мумкин (хатларни айирбошлаш шакллари тарафлар учун энг мақбул, исталган тарзда бўлиши мумкин), **дастлаб ҳам шундай қилинган: реклама берувчининг сўровига ХУМШ директори 2008 йил 6 мартда 12-сон билан дастлабки хат-келишув тақдим этган.**

Муаллифнинг рухсат бериш ҳужжатини келишиш – реклама жойининг паспорти рўйхатида уй-жой мулкдорлари ёки ХУМШнинг розилиги йўқ, яъни гўё ҳужжат улар билан келишилмаган деб тасдиқлашига ҳам қўшилиб бўлмайди.

**Бироқ ариза берувчи унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмагунигача, улар сирасида ХУМШ ёки уй-жой мулкдорларининг ёзма розилиги ҳам бўлиши керак, реклама жойи паспорти расмийлаштирилмайди ва ариза қабул қилинмайди. Уй-жой эгасининг рекламани жойлаштиришга розилиги биринчи даражали ўринда туради!!!**

Шуни таъкидлашни хоҳлардикки, ўз фаолиятида «Toshkent Reklama-Servis» ДУК айни бир жойга реклама конструкцияларини ўрнатишга турли реклама берувчилар ариза берадиган вазиятга кўп марта дуч келган. ХУМШ ҳам уларнинг ҳаммасига розилик беради. Савол туғилади – атайлаб реклама берувчилар ҳамда уй-жой мулкдорлари билан низоли вазиятни яратиб, ХУМШ маъмурияти қандай мақсадга эришмоқчи?

Бугунги кунда ширкатлар аъзоларига қонун катта ҳуқуқлар берган, улардан моҳирона ва самарали фойдаланиш лозим. Улар орасида умумий улушли эгаликда бўлган биноларнинг айрим конструкцияларини ижарага бе-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

ришдан, ер участкасидан оқилона фойдаланишдан, реклама майдонларини тақдим этиш ва бошқа ҳолатлардан қўшимча даромад олиш имконияти мавжуд.

«Уй пештоқидаги реклама ...ширкатни бойитсин» мақоласида сўз борган муаммони ҳал қилиш, зарурат туғилганда эса илгари қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳам мулкдорларнинг ўзларига ва улар аъзо ҳисобланган ХУМШ директорига керак.

Шубҳасиз, ташқи реклама кўп квартирали уйларда мулкдорларнинг розилигисиз жойлаштирилмаслиги керак. Мулкдорлар умумий йиғилишининг баённомаси буни тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади, унда улар номидан тегишли шартномани тузишга ёки тегишли хатларни имзолашга вакил қилинган бир шахс – ХУМШ директори ёки ушбу уйнинг барча мулкдорлари ёхуд айрим мулкдорлари белгилаб қўйилиши мумкин. **Бироқ, агар кимдир квартирасини сотса ва унга янги мулкдор келса ёки оила аъзолари сони кўпайса, воқеа такрорланмаслигини ким кафолатлайди?**

Амалда «Toshkent Reklama-Servis» ДУК ишига ХУМШ билан боғлиқ юзага келган вазият таъсир этмаслигини айтмоқчимиз, чунки у реклама берувчилар билан амалдаги меъёрий ҳужжатларга қатъиян мувофиқликда ишлаяпти.

***Биз квартираларнинг эгалари ўзларига тегишли нарсаларни тасарруф этишга тўлиқ ҳуқуқ берилган давлатда яшаяпмиз. Модомики ширкат тузилган экан, демак уни барпо этганларга ХУМШнинг муайян ҳаракатларини (мазкур ҳолда – хатларни имзолашни) амалга оширишни ишонадилар. Турли тушумлардан, шу жумладан уйнинг айрим қисмларини рекламани жойлаштириш учун ижарага беришдан олинган даромадлар ҳам, айрим квартираларни эмас, балки фақат уйларни ободонлаштириш ва улар ҳолатини яхшилашга йўналтирилиши керак. Эртами-кечми уй-жой мулкдорлари ўз ҳуқуқларининг аҳамиятини тушунишни ва улардан фойдаланишни ўрганадилар деб ишонгимиз келади. Ана ўшанда «Уй пештоқидаги реклама... ширкатни бойитсин» мақоласида қилинганидек, айбдорларни четдан излашга тўғри келмайди.***

***А.ИСОҚОВ,***
***«Toshkent Reklama-Servis» ДУК директори.***
***Д.АВАКОВА,***
***ДУК юристи.***

# МАШИНАЛАР ҚАЕРДА САҚЛАНАДИ

Хорижий тажриба

***Кўп қаватли уйларда яшовчилар – транспорт воситалари эгаларининг аксарияти ўз автомобилларини уй ёнида сақлаш муаммоси билан боғлиқ доимий ташвиш ва ҳаяжон гирдобига чўмганлар. Кечқурун уйга қайтганларида машиналарини қўйиш учун жойни қийинчилик билан топадилар. Кўпинча қулай жойни кимдир эгаллаб олган ёки «қўшнилар» ҳаддан ташқари яқин қўйилган бўлади. Кишиларни ярим тунда сигнализацияни ишлаб кетиши уйқудан уйғотиб юборади, автомобиль эгасини эса машинам қўшни уй ҳовлисида, кўчанинг машина юрадиган қисмида, тақиқлаш белгиси остида қолдириш эҳтимоли даҳшатга солади. Ўзининг гаражи бўлмаган, кўлбола гаражлари бузиб ташланган кишилар нима қила оладилар? Мукаммал «иссиқ бокс» нархи квартира нархининг ярмига тенг бўлса, ер устидаги қўриқланадиган машиналар турадиган жойлар аллақачон тўлган, бунинг устига олисда жойлашган бўлса, нима қилиш керак? Бундан ташқари, автомобилни коррозиядан сақлаш, ёмғир, қор, қуёшдан ҳимоялаш ҳам керак. Автомобиль эгаларининг уларга бир неча йил мобайнида ёгин-сочинлар, авариялар, олиб қочишлардан ҳимоя қилиши билан бир вақтда гулзорлар, йўлкаларни тўсиб қўймасдан, уй йўлкаларига яқин жойда автомобилларни сақлаш имконияти билан бирлаштириб, аҳолининг уй атрофи ҳудудини автомобиллардан халос қилиш хоҳишига эришиш мумкинми? Амалда уйингиз билан ёнма-ён ва чўнтакбоп нархда фақат сизга тегишли машина қўйиш жойини олса бўладими?***





Маълум бўлишича, мумкин экан. Ўттиз йиллардан бери Европанинг бир қатор мамлакатлари, Япония, Жанубий Кореяда, яқиндан буён эса Хитойда ҳам қўлланилаётган технологиялар шахсий автотранспортни жойлаштириш учун кўп қаватли уйлар ҳудудида уй атрофидаги майдонларни имкони борича мақбуллаштириш имконини беради, бу эса амалда ҳар бир ҳовлида кўп қаватли механизациялашган сақлаш жойларини қуришни реал воқеликка айлантиради.

Москвада бир неча йилдан бери бундай паркингларни монтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ихтисослашган компаниялар ишлаб келмоқда. Улар ҳайдовчининг иштирокисиз транспорт воситасини сақлаш учун ноқулай зоналарда машинага шикаст етказмасдан жойлаштириш имконини беради. Уйлар ёнидаги «очиқ» участкалар учун ярим автоматик паркинг концепциялари ишлаб чиқилди ва синаб ҳам кўрилди, улар бир қаторда ўн биттагача машинани жойлаштириш имконияти бўлган метал синчдаги икки, уч ёки тўрт қаватли паркингдан иборат. Бу эса машиналар сақлаш жойининг дастлабки ҳолатига қараганда автомобиллар миқдорини ўртача уч баравар кўпайтиради. Бундай паркинг дастурланадиган логистик контроллёр ва бошқарувнинг сенсор панели билан жиҳозланган. Автомобиллар ичкарида, махсус паллетларда жойлаштирилган ҳамда тиккага ва ён томонга электр моторлар ёрдамида ҳаракатлантириладиган сим арқонлар, блоклар, роликлар тизими ёрдамида олиб ўтилади. Сақлаш жойлари албатта хавфсизлик датчиклари билан жиҳозланади. Автомобилни белгиланган жойга қўйиш учун эгаси машинани паллетга қўяди, панелдаги шахсий кодни теради ва «Қўйилсин» деган электрон буйруқни беради. Қолган ишларни электроника бажаради.

Кўп қаватли уйлар ҳудудларини жиҳозлашда ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш катта роль ўйнаши керак. Москва ҳукумати кейинги йилларда иккита қарор чиқарди: «Москва шаҳрида гаражлар – машиналар қўйиш жойларини қуришнинг шаҳар мақсадли дастури тўғрисида», шунингдек «Москва шаҳри ҳудудида капитал қурилиш объектлари ҳисобланмайдиган объектларни жойлаштириш ва ўрнатиш тўғрисида». Ушбу ҳужжатлар механизациялаштирилган кўп қаватли паркингларни ўрнатиш алгоритмини белгилаб, уларни келишиш жараёнини тартибга солибгина қолмай, балки барча манфаатдор шахсларга (ХУМШ аъзолари, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ташаббускор гуруҳларига) автомобиллар қўйилган кўчаларни «бўшатиш», уй атрофидаги ҳудудларнинг ташқи кўринишини очиш, ҳовлиларни автосаноат буюмлари тўсиб қўйишига йўл қўймаслик имкониятини ҳам беради.

***Интернет материалларидан.***

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ
# top
ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!
«Норма маслаҳатчи» N 31 (212) 2009 йил 3 август


## "BEHZOD YUM" XK

2000 дан ортиқ номдаги товарлар

Канцелярия ва хўжалик товарлари

Улгуржи ва чакана савдо



pr_9-08-01

Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

SANAY Co.Ltd

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда

pr_8-01-01



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com



Товар сертификатланган

## ALTIMA

H306

Nissan Altima. Автомобилнинг юқори сифати, замонавий дизайни ва функционал имкониятлари жаҳон бозорида эътироф этилган. Такомиллаштирилган "Ниссан Алтима" салонга ички безак берилиши ва функционал жиҳозланиши билан ажралиб туради.

SHIFT_the way you move NISSAN

Нархи 24 500$ дан бошлаб* кафолат 1 йил ёки 20 000 км юриш + COBFA

Premium Auto 295 88 77

*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олмасдан кўрсатилган

Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьюторидан махсус таклиф

ПУЛ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР!

## АВИАКАССА

ТЎЛОВ ЎзР МБ КУРСИ БЎЙИЧА.

Шунингдек оилалилар, пенсионерлар, талабалар учун! Илк бор учувчилар учун! 40 ёшдан ошганлар, ҳарбийлар ва собиқ ҳарбий хизматчилар учун ЧЕГИРМАЛАР!!!

БИЗДА ЧИПТАЛАР БОШҚАЛАРНИКИДАН АРЗОН! ИШОНМАЙСИЗМИ?
ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, БУНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИНГ!

Т. 237-47-70, 267-68-68, 267-80-50.

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛЛИК, 86А (собиқ ПУШКИН)
МЎЛЖАЛ - "Ҳ. ОЛИМЖОН" М. "KORZINKA.UZ" СУПЕРМАРКЕТИ

Дунёнинг барча шаҳарларига "Ўзбекистон Ҳаво Йўллари", "Air Baltic" рейсларига ЧЕГИРМАЛАР

ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА УЧУВЧИЛАР УЧУН АКЦИЯ: У ЕРГА / У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EURда)

- МОСКВА - 207/375
- САМАРА - 201/345
- ҚОЗОН - 201/383
- КРАСНОДАР - 201/383
- БОКУ - 206/377
- РОСТОВ-ДОН - 199/380
- ЕКАТЕРИНБУРГ - 228/437
- СИМФЕРОПОЛЬ - 220/410
- МИНВОДИ - 182/345
- АЛМАТИ - 131/239
- БИШКЕК - 129/234
- КРАСНОЯРСК - 196/374
- НОВОСИБИРСК - 207/375
- КАЛИНИНГРАД - 199/360
- ВЛАДИВОСТОК - 410/650
- С.-ПЕТЕРБУРГ - 201/388
- ЕРЕВАН - 225/380
- ИРКУТСК - 252/420
- МИНСК - 196/386

У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EURда)

- ШАРЖА - 481, ВИЗА
- КУАЛА-ЛУМПУР - 490
- УРУМЧИ - 270, ВИЗА
- ФРАНКФУРТ - 604
- ИСТАНБУЛ - 448
- ЛОНДОН - 568
- ПЕКИН - 518

ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

"GREEN CARD", ТАЛАБАЛИК ВА МЕҲМОН ВИЗАСИ БЎЙИЧА, НЬЮ-ЙОРККА ДЯЖга ЧИҚУВЧИЛАР УЧУН (EURда) МАХСУС ЧЕГИРМАЛАР (EURда)

У ЕРГА ВА ОРҚАГА - 1 ой - 960, 3 ой - 1027, 4 ой - 1088, пенсионерларга - 908, оилавий - 894, оилавий (2-12 ёшли болали) - 620.
У ЕРГА катталарга - 653, 2-12 ёшли бола - 349, ёшларга - 615

"TURKISH AIRLINES" РЕЙСЛАРИГА ЧЕГИРМАЛАР
талабалар, ўқитувчилар, ногиронлар, ёшларга (ҳужжатлар мавжуд бўлса).

ТОШКЕНТ - ПРАГА - ТОШКЕНТ 815 $
СУПЕРАКЦИЯ!
ТОШКЕНТ - ИСТАНБУЛ - АНТАЛИЯ!

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!
Сизда МДҲ ва олис хориж мамлакатларидан Тошкентга учиб келувчилар учун Тошкентда чипта ҳақини тўлаш имконияти бор


Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.


H506

Das Auto

Ташкилот JETTA, PASSAT сотади

Омборда мавжуд — Товар сертификатланган

(+99890) 317-67-97, 320-50-00, (+99871) 140-00-61

Товар сертификатланган

ANDINOL ишлаб чиқарувчисидан мойлаш материаллари

- Роликлар ёни ва ҳалқалар бортининг ишқаланувчи юзалари едирилишининг олдини олади
- Механизмлар тебраниши ва сирпанишида ишқаланиш узелларида қўлланади
- Занглашдан ишончли ҳимоя



H5057

Ўзбекистон, Тошкент ш., Қибрай кўч., 92
тел./факс: (+99871) 150-11-77, 268-88-61. E-mail:tashkent@ak.uz

РАСМИЙ ДИЛЕР
ГРУППА ГАЗ
УРАЛАЗ автомобиль заводи ОАЖ
Сотиш, сервис, лизинг, кафолат

Хизматлар лицензияланган
Буюртмага



Металлда жамланган қувват!

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!
top
237-51-33
237-47-20
237-47-05

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www.restoran.uz

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик компанияси

"OSIYO-AUDIT" ЎзР МВнинг 29.02.2008 йилдаги 00124-сон лицензияси (1998 йилдан буён фаолият юритади). 500 млн сўмга суғурта полиси мавжуд.

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари
Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади

Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус – (8-361) 350-40-35, Андижон – (+99897) 103-83-08, Бухоро – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Наманган – (+99869) 250-77-11, Навоий – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Қарши – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона – (+99873) 502-95-74, Хоразм – (8-361) 350-40-35.

Хизматлар лицензияланган

РЕЛМОН-ГАРАНТ
адвокатлик бюроси
хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281–59–72, 919–11–39
919–39–10, 188–98–11

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

AFT «KORIFEY-AUDIT» МЧЖ

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган

Тел. 276-75-57. Тел./факс 276-97-76. Уяли тел. 108-30-16.
E-mail: korifey_aft@mail.ru. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44, 404-офис ("Мирзо Улуғбек" м.б.) Бухоро: 8(365) 522-11-38, 658-53-41, Қарши 8(371) 705-09-41, Хоразм 8(362) 513-34-52, Термиз 8(376) 277-56-61

## ЭЪЛОНЛАР

### ИШ

Юристлар, бухгалтерлар, аудиторлар танлов асосида ишга таклиф этилади.
Тел. 289-67-35.

---

Ташкилотга:
бош бухгалтер – о/м, иш стажига эга, ишлаб чиқариш, ТИФ, ўзбек тилини билиши мақбул, тўлиқ иш куни, ёши 30-35 да,
менежер - ўзбек тили, ёши 20-32 да, керак.
Резюмени қуйидаги факсларга юборинг:
244-79-44, 244-79-67. E-mail: inpaper@mail.ru.
Тел.: +99894 655-50-00, +99897 478-10-05.

### СОТИЛАДИ

2008 йилда и/ч, 06 двигателли, оқ рангли, жуда яхши ҳолатдаги "ВАЗ-2107" автомашинасини нақд пулсиз йўл билан сотамиз.
Тел. 244-96-96.

---

2008 йилда ишлаб чиқарилган, жуда яхши ҳолатдаги, газ баллони билан жиҳозланган (метан) иккита "ГАЗель" микроавтобуси (13 ўринли) сотилади. Ранги – оқ. Битта автомобиль нархи – 40 миллион сўм. Тўлов – исталган шаклда. Фирма муассислигига кириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.
Тел.: 777-90-07, 244-96-96.

---

"ANGREN KAOLIN" МЧЖ Ангрен шаҳридаги омбордан бойитилган каолинни сотади:
– АКТ-10 маркаси бир тоннаси учун 34 800 сўм,
– АКС-30 маркаси бир тоннаси учун 132 000 сўм,
– AKF-78 маркаси бир тоннаси учун 190 200 сўм.
Нархлар ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган. Товар сертификатланган.
Тел.: 8 (370) 662-70-76, (+99898) 127-75-97, 127-75-67, 305-72-84.
E-mail: angrenkaolin@mail.ru.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.* Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Фирмаларни (МЧЖ, ХК, хорижий корхона, ҚК) рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишда адвокатлик ёрдами кўрсатиш. Ваколатхоналар очиш. Фирмаларга юридик хизмат кўрсатиш.* Тел. 777-88-95.

---

Дебиторлик қарзини ундириш. Исталган мураккабликдаги хўжалик ва жиноят ишлари бўйича тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Меҳнатга оид ишлар. Юридик хизмат кўрсатиш. Натижаларга кўра ҳақ тўланади. "ASR ADVOKATI" АФ.*
Тел.: (99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33, (+99890) 900-00-29. Мўлжал – "Тинчлик" м.б.

---

ADVOKAT ELITE. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш. Судлар . Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

---

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.
Тел. 448-74-69.

### ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

"Декларант плюс" дастури. БЮДни тўлдириш, муҳрлаш, ДБҚга электрон нусхасини юбориш.
Тел. 107-67-18.

### ХИЗМАТЛАР

"EVERS" МЧЖ. Принтерлар ва нусха кўчирувчиларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш. Лазерли принтерларга картрижларни тўлдириш. Кафолатли. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш.
Тел. 337-59-17.

---

Такси «АИСТ».
Тел. 120-02-12, aist.uz.

*Хизматлар лицензияланган.

## • РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги 11-0906/10308-сонли ажримига асосан Бекобод шаҳрида рўйхатдан ўтган "Бекобод олов" ХК (СТИР 204266737) банкрот деб эътироф этилган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 31 июль соат 15.00 да Бекобод ш., Истиқлол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Корхонага нисбатан эътироз ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб Бекобод ш., Истиқлол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биноси, 1-қават, 13-хонада 1 ой давомида қабул қилинади.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 июлдаги ажримларига асосан Сергели туманидаги кузатув таомили эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "LOCHIN SAVDO BIZNES" ШК | 10-0915/10770 |
| "BREZE GRAND STROY" МЧЖ | 10-0915/10769 |
| "SARVAR BARAKA" ХФ | 10-0915/10768 |
| "EVA INTERNATIONAL SERVIS" МЧЖ | 10-0915/10767 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчилари этиб Сергели туман ДСИ ходимлари М.Ахмурзаева, Э.Нарманов ва М.Эшназаров тайинланган. Иш бўйича 2009 йил 28 июль куни соат 16.40 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-сонли суд залида суд муҳокамаси бўлиб ўтди. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона.
Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "FENIKS OPTIMAL" МЧЖ | 10-0911/10390-т |
| "KOMRUIE SERVIS" ХК | 10-0911/10391-т |
| "MATLUBA VA MANZURA" МЧЖ | 10-0911/10392-т |
| "PROFIT ALISHER QURILISH" МЧЖ | 10-0911/10393-т |
| "FLAYER-EXPRESS" МЧЖ | 10-0911/10394-т |
| "NADEJDA FAYZ PLYUS" МЧЖ | 10-0911/10395-т |
| "NASTARIN SERVIS" МЧЖ | 10-0911/10396-т |
| "ShAMS-FARM" ХФ | 10-0911/10397-т |
| "ABSOLYUT-TRIAS" МЧЖ | 10-0911/10398-т |

Ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак тамғалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарнинг тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари бўйича қабул қилинади.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги 11-0906/10307-сонли ажримига асосан Бекобод шаҳрида рўйхатдан ўтган "Ўткир" ХК (СТИР 200462006) банкрот деб эътироф этилган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 31 июль соат 15.00 да Бекобод ш., Истиқлол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Корхонага нисбатан эътироз ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб Бекобод ш., Истиқлол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биноси, 1-қават, 13-хонада 1 ой давомида қабул қилинади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 13 июлдаги 10-0912/10313(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "Zarnigor-Obid" ХК банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими Л.Юсупов тайинланди. Корхонанинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ХТУТ (ОКРО) | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| «NIHOL-XAZINA» ХФ | 203661112 | 27.07.01 | 1447 | 18148816 | 10-0913/10938 |
| «DOKTOR HAMKOR» ХК | 206983144 | 09.12.08 | 003573-03 | 22613170 | 10-0913/10939 |
| «DJURA-NUR KVAS» ХК | 300793596 | 08.04.08 | 003154-03 | 22322081 | 10-0913/10940 |
| «SLANIDA» МЧЖ | 201524092 | 26.02.96 | 150-2/6 | 15778521 | 10-0913/10941 |
| «DHANVANTARI» ШК | 205088664 | 31.05.04 | 000363-03 | 19594769 | 10-0913/10942 |
| «ADVENTURE SOLO» МЧЖ | 300827282 | 07.05.08 | 003230-03 | 22415687 | 10-0913/10943 |
| «PARTS DELUXE» ХК | 206423642 | 18.04.06 | 001465-03 | 20965998 | 10-0913/10944 |
| «MOKOUS DEVELOPMENT» МЧЖ | 300487937 | 19.06.07 | 002607-03 | 22015373 | 10-0913/10945 |
| «ABDULAZIZ-QURUVCHI» ХК | 205794167 | 24.08.05 | 001091-03 | 20349118 | 10-0913/10946 |
| «BASHA STROY SERVIS» ХК | 300210173 | 05.02.07 | 002338-03 | 21564646 | 10-0913/10947 |
| «UNIVERSAL VAZ LADA» ХК | 206848327 | 22.02.07 | 002373-03 | 21564868 | 10-0913/10948 |
| «OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI KAPITAL QURILISH BOSHQARMASI» Б | 204532209 | 06.05.03 | 859 | 19093853 | 10-0913/10949 |
| «ZAMON ZIYO ZAR» ХК | 300566807 | 17.09.07 | 002763-03 | 22103404 | 10-0913/10950 |
| «DESIGN-BUREAU MOGUL» МЧЖ | 300852783 | 03.06.08 | 003271-03 | 22415948 | 10-0913/10951 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани Ҳокимияти Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2009 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яккасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва тугатиш ҳаракати бошланди:**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "REAL GAZ SERVISE" МЧЖ | 10-0907/10990-Т |
| "CHERNOBIL ALTIRONA BAXT" ШК | 10-0907/10989-Т |
| "ABDUNET-STIL-SERVIS" МЧЖ | 10-0907/10988-Т |
| "FRIKSION FENOMEN SERVIS" МЧЖ | 10-0907/10987-Т |
| "GOLDWAY CONSULTING" МЧЖ | 10-0907/10986-Т |
| "ALGIR" МЧЖ | 10-0907/10985-Т |
| "INTERDIALOG" МЧЖ | 10-0907/10992-Т |
| "AMRITA-ATON" МЧЖ | 10-0907/10991-Т |
| "TAYANCH-KSM" ШК | 10-0907/10987-Т |
| "MERT IPLIK" МЧЖ | 10-0907/10995-Т |
| "AMINA BONU SAVDO" МЧЖ | 10-0907/10994-Т |
| "OMAR FOOD" ХК | 10-0907/10998-Т |
| "XOJAGON-INVEST" ХК | 10-0907/10997-Т |
| "YURSIN-SAVDO" МЧЖ | 10-0907/10996-Т |
| "MAN-VIS-PLUS" МЧЖ | 10-0907/10999-Т |

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яккасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 17 июлдаги 10-0907/10866-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "JIHOZPO'LATQURILISH" МЧЖ (юридик манзили: Фарҳод кўчаси, 6а) банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона бўйича тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

